ЎзССР Давлат китоб палатаси
Ф.
Давлат ижтимоий палата ЎзССР
Т 4 1.0 9.4

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1994 йил 12 октябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. 47 (6635)

САМАРҚАНДНИНГ ХАЛҚАРО ИНСТИТУТИ

7 октябрь куни Самарқандда Марказий Осиёни ўрганиш бўйича халқаро институтни таъсис этишга бағишланган йиғилиш иш бошлади. Анжуманда дунёнинг кўплаб давлатларидан вакиллар иштирок этмоқда. Улар орасида халқаро ташкилотлардан, АҚШ, Англия, Франция, Эрон, Россия Федерацияси ҳамда Марказий Осиё мамлакатларидан келган сиёсат ва жамоат арбоблари, олимлар, мутахассислар бор.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидкосимов мазкур институтнинг таъсис этилиши бутун жаҳон олимларининг Марказий Осиёни ўзаро ҳамкорликда тадқиқ қилишига катта имконият туғдиради, деб ишонч билдирди.

Институтни буюк олим ва мунажжим Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик юбилейи тантаналари кунларида очиш мўлжалланмоқда.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан юбилей ёдгорлик тангасини муомалага чиқариш тўғрисида

Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан 1994 йил 10 октябрдан қиймати бир сўмлик юбилей ёдгорлик тангаси муомалага чиқарилади.

Сариқ рангдаги юбилей ёдгорлик тангаси мис қотишмасидан тайёрланган бўлиб, Au 99,9 пробали олтин (0,5 мкн) билан қопланган, вазни 16 граммдан иборат.

Юбилей ёдгорлик тангаси диаметри 31 миллиметрли доира шаклида бўлиб, юз ва орқа томони айланасида бўртиқ ҳошия бор.

Юбилей ёдгорлик тангасининг юз томонида Улуғбекнинг қабариқ барельеф тасвири туширилган бўлиб, юқори қисмида айланма шаклида "MUHAMMAD TARAGAY ULUDBEK" ёзуви бўлиб, икки томонидан нуқта билан ажратилган. Қуйи қисмида "1394-1449" ёзуви бор. Фон сифатида астрологик асбоб-ускуна — астролябид тасвири туширилган.

Юбилей ёдгорлик тангасининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири жойлашган, томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири жойлашган, айланма бўйлаб "OZBEKISTON RESPUBLIKASI" ва "I SOM 1994" ёзуви лотин алифбоси туширилган. Танганинг бутун айланаси бўйлаб нақш солинган.

Юбилей тангасининг бўртган қисмлари тарам-тарам чизиқлидир.

Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан муомалага чиқарилаётган юбилей ёдгорлик тангаси чекланган миқдорда зарб этилган бўлиб, нумизматик қийматга эга ва кимошди савдоси орқали ўз қийматидан юқори нархда сотилади.

ОҚ НИЯТЛАР ЮРТИ



"Бугун бизда ҳамма пахтакор". Бир пайтлар бизда шундай шиор бўларди. Бироз баландпарвозроқ. Лекин ҳақиқатан ҳам шундай. Куз келиши билан ўзбекман деб юрганнинг каттасидан тортиб кичигигача пахта ташвиши, пахта дарди билан юради. Чунки юрт фаровонлиги, мустақиллик пойдорлиги пахтага нечоғлик боғлиқлигини бошқа билмаса ҳам, ўзбек яхши билади.

Ўзбекнинг фарзандлари. Танглайи кетмон билан кўтарилган уларнинг. Бешикдан кейинги илк қадами далага туташган. Етти ёшидан белига этак тутиб, ҳув ўша "оқ тоғлар" бағрига сингиб кетган. Ўзбекнинг фарзандлари...

Бугунги долзарб паллада, улар яна оталари ортида, оналари ёнида. Мисқоллаб бўлса-да, пахта хирмонига ўз ҳиссаларини қўшишяпти. Зеро, тома-тома кўл бўлур...

Биз Сирдарё ва Жиззах вилояти пахтазорларида бўлганимизда, мактаб ўқувчиларининг фидокорона меҳнатига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— Ҳозирги кунда 21 мингдан ортиқ ўқувчимиз пахта теримида иштирок этяпти, — дейди Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи муовини Сайфиддин Худойбердиев. — Мавсум бошидан буён улар уйган хирмон 14 минг 138 тоннадан ошиб кетди.

Ғулистон туманидаги Беруний номидаги 5-ўрта мактаб ўқувчилари "Бешбулоқ" жамоа хўжалиги далаларида ота-оналарига кўмакчи бўлишаётган экан. Улар кунига 70-80 килограммдан, ҳозиргача эса 83 тоннадан ортиқ ҳосил йиғишибди. Норйигитова Ҳабиба, Абдуқаҳҳорова Ҳафиза, Норқўзиева Бахтиёр, Ниёзов Алишер каби ўқувчиларни илғор теримчилар сифатида тилга олишди. Улардан ҳозирги терим аввалги даврлардан нимаси билан фарқ қилаётганлигини сўрадик.

— Яхши ҳақ тўлашаяпти, — жавоб беришди ўқувчилар.

Биз ёрдамчилар меҳнати қандай рағбатлантирилаётганлиги билан қизиқдик. Уларга ҳар беш кунда терган пахтаси учун ҳақ тўланаётган экан. Баъзи ўқувчилар ҳар беш кунликда 300 сўмгача пул олишибди. Бу, албатта, ўз самарасини беради.

Жиззах вилояти далалари оппоқ либосга бурканган. Ва бу оқлик уфққа қадар эниб, осмонга-да ўз рангини берган. Замин ва осмон — оқ. Оқлик — умид...

Бизни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Шарипов кутиб олди.

— Бугунда мактабларимизнинг 32046 ўқувчиси, 2850 нафар ҳунар-техника билим юрти толиблари пахтакорларга мадад беришяпти. Ҳозиргача 26 минг тоннадан ошиқ пахта топшириб, умумий хирмонга ўз ҳиссасини қўшишди. Мақсадимиз ўқувчиларни сумбуладан то қизилчувиққача ушлаб туриш эмас. Ўзбекнинг ҳашар деган яхши удуми бор. Унда ёш-қари баравар иштирок этади. Бинобарин, фарзандларимизнинг четда туролмаслиги табиий бир ҳол.

Ўқувчиларга иложи борича ҳамма шароитлар яратилган, дейишди. Ишонч ҳосил қилиш учун дала томон йўл олдик.

Арнасой тумани пахтазорларида вилоятнинг тоғли ҳудудидаги мактаблар, жумладан, Бахмал тумани ўқувчилари ҳам жавлон уришяпти. Фурқат номидаги 17-ўрта мактаб ўқувчилари жойлашган дала шийпонига келганимизда, у ердаги орасталик диққатимизни тортди. Ўқувчиларнинг ётоқ жойи ҳам саранжом-сариштa. Ошпазлар М. Усубалиева ва Л. Ўроловадан маҳсулотлар таъминоти ҳақида сўрадик.

— Ҳамма нарса етарли, — жавоб беришди улар. — Овқатдан гўшт узилмайди. Нонуштага сариёғ, шакар, тушликка қовунтарвуз берилади.

Сўнг қизлар ийманибгина, кино олиб келишса, концертлар бериб туришса, дея истак билдиришди.

Шароит бор жойда самара ҳам бўлади. Ўқувчилар меҳнати ҳам шунга яраша. Турдиева Назира, Усубалиев Фарҳод каби ўқувчилар 100 килодан ошириб пахта теришяпти. Шу пайтгача ўқувчиларнинг олди 600-700 сўмгача ҳақ олишибди.

Бахмал тумани халқ таълими бўлими мудири Саидаҳмад Мирзабековни суҳбатга тортамиз:

— Асосий эътиборни шароитга қаратяпмиз, — дейди Саидаҳмад ака. — Унумнинг мезони шу. Биз озиқ-овқат таъминотида бир муаммога дуч келиб қолдик. Гўштнинг давлат нархи 15 сўм, сабзавотларникиҳам шунга яраша. Шу боис, биз ўқувчиларнинг ишлаган пулидан чегириб, бу нарсаларни бевосита бозордан сотиб оляпмиз. Чунки бозорда бу нарсалар арзон. Бу билан, биринчидан, маҳсулот сероблигини таъминлаб турган бўлсак, иккинчидан, ўқувчиларимизнинг овқат пулини ҳам арзон нархга туширяпмиз.

Икки вилоят ўқувчиларининг пахта далаларидаги фидокорона меҳнатларини кўриб қайтар эканмиз, кўнглимиздан бир ўй кечди: меҳнат заҳматини тортган қўллар қурган пойдевор мустаҳкам бўлади.

Ҳорманг, ўзбекнинг фарзандлари!

А. МУХТОР.

Суратларда: ўқувчилар пахта далаларида.

Ҳ. Солиҳов олган суратлар.

ИШ БОШИ — ИНТИЗОМ

Қўқон — маориф, фан ва маданият соҳасида республикада ҳам илғор шаҳарлардан ҳисобланади. У ердаги 29-мактабнинг 1993 йил мактаби кўрик-танловида ғолиб деб топилиши қўқонлик маорифчиларнинг обрў-эътиборини янада юксакларга кўтарди. Зиё масканида айни даврда 1635 ўқувчига 92 нафар муаллим турли фанлардан сабоқ бераяпти. Жамоаси аҳил, маънавий муҳит ҳам шунга яраша мўътадил. Болаларнинг билимлари компьютерларда ва ёзма равишда тест синовларидан ўтказиб борилади. Уларнинг ўқув фанларидан ўзлаштириши ҳам чакки эмас.

— Йил мактаби кўрик-танловида биринчиликни эгаллаганлигимиз, бу — кўп йиллик меҳнатлар самарасидир, — деди биз билан суҳбатда илм даргоҳи директори Валижон Холматов. — Жамоамизда юқори даражадаги талабчанликни йўлга қўйганмиз. Ички интизомни компьютерда назорат қилиб боряпмиз. Зеро, иш боши — интизом, дея бежиз айтишмаган. Билим томондан эса кўнглимиз тўқ. Мактабимизда илғор, жамоатчи муаллимлар етарли. Уларнинг бой тажрибалари кенг доирада оммалаштириляпти.

Директорнинг гаплари замирида маъно кўп. Ҳолбуки, интизом, муҳит яхши жойда кишининг дунёқараши соф бўлади. Мактаб ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси республикамиздаги ҳозирги вазиятни атрофлича ва тўғри баҳолашади. Бунда мактаб директори Валижон Холматовнинг олиб бораётган ташвиқот-тарғибот ишлари ҳам алоҳида ўрин тутмоқда. Зиё масканида мактаб, оила, жамоатчилик ва маҳалла ҳамкорлигининг яхши йўлга қўйилганлиги эса ҳозирги иқтисодий тақчиллик ва дунёқарашларнинг ўзгариши жараёнида пайдо бўлаётган баъзи бир муаммоларни ҳал қилишда қўл келмоқда.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

1995 йил учун "Маърифат" газетасига обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

"Маърифат"нинг обуна баҳоси:

БИР ЙИЛГА — 194 СЎМ 40 ТИЙИН
ОЛТИ ОЙГА — 97 СЎМ 20 ТИЙИН
УЧ ОЙГА — 48 СЎМ 60 ТИЙИН

Муҳтарам халқ таълими ходимлари, устоз педагоглар, қадрли муаллимлар, доимий ҳамроҳингиз "Маърифат" газетасига обуна бўлишга шошилинг!

Мададталаб мактублар

ҒУЗОР — КИТОБГА ЗОР

Ғузор тумани кун сайин кенгайиб, гўзаллашиб бормоқда. Аҳолиси бугунги кунга келиб юз мингдан ошиб кетган. 30 дан зиёд мактабда меҳнаткашларнинг кўплаб фарзандлари таълим олишмоқда.

Лекин менга туманимиз маънавий ҳаётига оид бир нарса тинчлик бермайди. Туман марказида бундан бир йил олдин катта китоб дўкони бўларди. Ҳозир бу озиқ-овқат ва кийим-кечак дўконига айлантирилган.

Шундай катта туманда наҳотки биттагина китоб дўкони қуриш муаммо бўлса? Ғузоримиз ёшлари китобга зор бўлиб қолаверадими?

Й. МАЛЛАЕВ.

ДЎКОНДА ЙЎҚ, ЧАЙҚОВДА КЎП

Ҳозирги кунда таълим-тарбия ишларини олиб боришда ўқитувчилар олдига катта талаблар қўйиляпти: кўргазмали қурол тайёрлаш, ўқув хоналарини янги кўргазмалар билан бойитиш, деворий газеталар чиқариш... Лекин биз, бу каби ишларни ҳамиша ҳам кўнгилдагидек қилолмаймиз. Сабаби — ҳозир қишлоғимиз дўконларидан на буёқ қалам, на бўёқ ва на қоғоз топа оласиз. Улар анқонинг уруғига айланган.

Синф журналига сиёҳ билан ёзиш талаб қилинади. Хўш, қани ўша сиёҳ, қаердан оласиз? Савдогарда бўлса ҳам майли эди... Ўқувчилар ҳам, биз ҳам оддий золдирли ручкаларни қўлдан сотиб олишга мажбур бўляпмиз.

Ўқув учун зарур бўлган нарсаларнинг бари чайқовда бўлиши қизиқ. Бозордаги олғирлар керакли майда-чуйда буюмларни қаердан оляптилар экан?

Наҳотки, саноат корхоналари бундай молларни фақат улар учун ишлаб чиқараётган бўлса? Ёки чет эллардан фақат улар учун келтирилаяптими?

Агар юқоридаги ўқув қуроллари ҳақиқатда тақчил бўлса, уларни хўжалик варақасига (талонга) киритиб, дўконларда сотса бўлмайдими? Шундай қилинганда ручкафуруш, дафтарфурушларнинг пайи қирқилармиди...

Т. ЭШҚОРАЕВ,
Жарқўрғон туманидаги Ф. Хўжаев номидаги мактаб ўқитувчиси.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

М. Бекчонов: ЯХШИ ИШЛАР ҚИЛИШГА ШОШИЛАЙЛИК

Ўқувчи ва талабаларнинг чинакам ватанпарвар, саводли ва ишбилармон, юксак маданиятли фуқаролар бўлиб етишишида ўқитувчининг хизмати беқиёс. Бас, шундай экан, ҳозирги замон ўқитувчиси қандай бўлиши керак? У таълим-тарбия жараёнига қай йўсинда ёндашиши зарур? Муаллим олдида турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат? Хива туман халқ таълими бўлими мудири Машарип БЕКЧОНОВ билан жамоатчи мухбиримиз суҳбати ана шу хусусда бўлди.

— Мустақил Ўзбекистондаги катта ўзгаришлар, ҳуқуқий давлатимиз тараққиётидаги ислоҳотлар халқ таълимига ҳам мутлақ янгича ёндашишни талаб этяпти. Ўз истиқлол ва равнақи йўлига эга давлатнинг улкан вазифаларини ҳаётга жорий эта оладиган, жаҳон мезонлари даражасида билимли ва малакали, аҳлоқан пок ва маданиятли, юртпарвар ёш авлодни ўқитиш, тарбиялаш, комил фуқаролар этиб шакллантириш мактабнинг бош вазифасидир. Шу боис республикамиз раҳбарияти мактабни истиқлолнинг таянчи билиб, халқ таълимининг равнақига узлуксиз устивор йўналиш сифатида ёндашмоқда.

Мактабга эътибор, шубҳасиз, таълим тизимининг янгиланишига кенг имкон бермоқда. Янги турдаги мактаблар — лицей, гимназия, катталар таълим марказлари, ихтисослашган мактаблар, синфлар, ўқув гуруҳлари, лицей-боғчалар, уй боғчалари, шунингдек, ўқитишнинг хилма-хил янги дастурлари, техникавий воситалари вужудга келмоқда. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси таълим ислоҳотидаги янгилик куртакларидир.

Ҳозирги замон ўқитувчиси, ҳамма замонларда бўлганидек, аввало ўзи яхши тарбияланган, кенг мушоҳадали, дунёқараши ва билим доираси кенг, эл ўртасида обрўли комил инсон бўлмоғи, дарс илмий ҳақиқатни ёшлар онгига етказиш билан таъсир ўтказа оладиган, уни эркин фикр юритишга, мустақил хулосалар чиқаришга, ўз ғояларини йўналтира оладиган маҳорат эгаси бўлиш зарур. Айни пайтда бола қалбида ватанга ва инсонга муҳаббат туйғусини жўш урдириши, мамлакат тинчлиги ва тараққиёти тамойилларини унинг онгига сингдира олиши, ёш авлод келажак фаровонлигининг таянчи эканлигини англата билиши лозим.

Афсуски, "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак" бўлган айни замонда муаллимга қўйилаётган катта талабларни бажаришга ҳамма ўқитувчиларимиз ҳам шайми? Улар ёш авлод билим ва малакасига жамият зарурати, эл-юрт манфаати ва эҳтиёжларини қандай англамоқдалар. Умуман таълимда ислоҳотни амалга оширишнинг таянчи бўлган ўқитувчиларимиз савияси қай даражада? Шу каби саволларга вилоятимизда, жумладан, туманимизда ўтказилган рейтинг жараёнида гувоҳ бўлдик. Тўғрисини айтганда, рейтинг натижалари бизни қувонтирмайди. Юқори балли ўқитувчи ва тарбиячиларимиз ҳали озчиликни ташкил этади. Кўпчилик ўқитувчиларни малака ошириш йўли билан қайта тайёрлашга, айримларидан эса воз кечишга тўғри келади. Бунда таълим ходимлари аттестацияси ва қайта аттестацияси, битим асосида ишлаш усуллари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Муаллимга талабнинг ошиб бориши айрим ўқитувчи ва тарбиячиларда норозилик туғдираётгани ҳам сир эмас. лар эскича ишлашга, яъни жамият манфаатидан ўз манфаатини устун қўйишга ўрганиб қолган шахслардир. Педагоглар орасида ўз билими ва касбий маҳоратини такомиллаштирмай таълим-тарбия ишига "яроқсиз" бўлиб қолганлар ҳам, ҳатто ахлоқан муаллимликка номуносиблар ҳам бор. Ички иликбозлик ёки қонунчиликка хилоф савдо ишлари билан шуғулланиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари рўйхатига тушган, жиноятга қўл урган айрим кимсалар ҳанузгача мактабларда ишлаётганини қандай баҳолаш мумкин? Ҳолбуки, бундайларга таълим-тарбия соҳасида ўрин бўлмаслиги керак.

Яқинда "Маърифат" газетасида таниқли фахрий педагог Шораҳим Гадойбоевнинг "Қийинчиликлар ўткинчи, мустақил Ўзбекистон боқийдир" мақоласи чоп этилди. Мақолани туманимиз барча таълим муассасалари ходимларининг йиғилишларида муҳокама қилдик. Халқ таълими ходимлари мақоладаги фикрларни тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда бутун куч-ғайратларини келажаги буюк давлатнинг муносиб ворисларини камол топтиришга бахш этишга, бунинг учун таълимнинг жаҳон андозалари асосида иш олиб боришга қарор қилдилар.

Биз туман ҳокимияти билан биргаликда янги ўқув йили давомида ижодкор, ҳар томонлама ибратли халқ таълими ходимларини рағбатлантириб боришни, улар учун тажриба-синов майдонларини вужудга келтиришни келишиб олдик. Шунингдек, ўқитувчилар билимларининг манбаи бўлган кутубхоналарни бойитишга, янги турдаги таянч-тажриба мактабларини вужудга келтиришга, фанлар бўйича ўқувчилар олимпиадаларини мактабларнинг ўзидан бошлашга эътиборни қаратамиз.

Бир сўз билан айтганда, янги ўқув йили биз учун ўқитувчи касби маҳорати ва ижодий имкониятларини ўстирувчи, ёш авлод олдидаги масъулиятини янада кучайтирувчи, обрў-эътиборларини оширувчи давр бўлади.

Суҳбатдош М. ШЕРБЕК.

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмаси»

АБОНЕМЕНТ рўзнома / ойнома | 64595 (нашр кўрсаткичи)

Маърифат (нашр номи) | Обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи)
Кимга
(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

п. в. | жойи

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64595 (нашр кўрсаткичи)

Маърифат (нашр номи)

Обунани янгиманзилга юбориш | Баҳоси | Сўм | Обуна сони
Баҳоси | Сўм

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

Мактабдан ташқари муассасаларда

БИЗ ИШЛАЯПМИЗ...

Туманимиздаги болалар ва ўсмирлар ижодий маркази меҳнат жамоаси бугунги кунда истиқлол ўлкасининг асл фарзандларини гўзаллик, мусиқа, хаёл, ижодкорлик, нафосат, миллий ҳунармандчиликнинг сержило оламига бошлаш, уларда энг яхши инсоний фазилатларни шакллантиришга жиддий эътибор бермоқда. Шукрким меҳнатимиз самараси муносиб тақдирланаяпти. Кўрсатилаётган ғамхўрликлар бунинг ифодасидир. Ўтган йили туман ҳокимияти жамоамизни пул мукофоти билан тақдирлади. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида ногирон фарзандларимизга берилган совға-салом ва моддий ёрдам барчани тўлқинлантирди.

Оммавий тадбирлар, айниқса, болалар халқ театри ҳафталиги, шоҳномахонлик, санъат байрами, гуллар ва қушлар байрами, дўстлик фестивали, иқтидорли болалар анжумани, Наврўз сайли, "Ватан ўғлони бўлсанг, унинг посбони бўл", "Шарқона тарбия — бебаҳо ҳазина", "Истиқлол мафкураси — менинг мафкурам" мавзусидаги баҳслар, мулоқот ва беллашувларда туманимиздаги кўпгина мактаблар фаол қатнашмоқдалар.

1993-94 ўқув йилида марказимизда турли тўгарак ва клублар актив фаолият бошлади. Туман мактабларининг 1650 нафардан зиёд ўқувчиси бўш вақтларида ана шу тўгаракларда фойдали иш билан машғул бўлдилар. Бир қатор мактаблар билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузилди.

Шуни қайд этиш жоизки, таълим-тарбия масканларининг қайноқ ҳаётини мазмунли тадбирларсиз тасаввур қилиш қийин. Уларни юқори савияда ташкил этиш учун бизга туман ҳокимияти, туман халқ таълими бўлими, ёшлар иттифоқи, байналмилал жангчилар уюшмаси, "Овози Самарқанд" вилоят газетаси таҳририяти, "Шарқ тонгги" туман газетаси, айрим корхона ва муассасалар яқиндан кўмаклашмоқдалар. "Юлдузли соат" деб номланган тадбиримиз қатнашчиларини мукофотлаш учун туман техника таъмирлаш ва ишлаб чиқариш корхонаси директори, туман ҳокими муовини катта маблағ ажратиб, қувончимизга қувонч қўшди.

Шу йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган республика иқтидорли ўқувчилари — Сирож Маҳмудов, Беҳзод Неъматов, Гулноза Султонова, Моҳигул Усмонова, Манзура Аҳадова, Марҳабо Музаинова наққошлик ва тасвирий санъат, ўлкашунослик ҳамда экологик ва табиатшунослик бўйича ўз билим ва истеъдодларини намойиш қилдилар.

Энг яхши тадбирларимиз қаторида халқ достонлари куни, "Бедилхонлик базми", "Кичкинтойлар сайли", "Баҳор камалаги", "Иқбол-94", "Ёш уй бекаси" ва бошқаларни таъкидлаш ўринлидир. Буларни тайёрлаш жараёнида фаол иштирок этган педагогларимиздан И. Аҳроркулов, Р. Собирова, Р. Ашурова, С. Ғаниева, М. Рафиева, С. Носирова, М. Жўраева, А. Зубайдуллаев ва бошқаларни ҳурмат билан тилга олиш мумкин.

Ўрни келганда айтиб ўтиш жоиз, туманимиздан жуда кўп шоирлар, ҳунармандлар, санъаткорлар, олиму фузалолар, Меҳнат Қаҳрамонлари-ю, давлат арбоблари, тадбиркор деҳқонлар етишиб чиққан. Улар ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи "Болалик дунёси" номли китоб чоп этилса, савоб ишга қўл урилган бўлур эди. Шунинг билан бирга халқ таълими бўлими, халқ демократик партияси ташкилоти ва ҳокимият қошидаги маҳаллалар ишини мувофиқлаштирувчи кенгаш раҳбарияти билан биргаликда "Дардимга малҳам — ғамхўр маҳаллам" мавзуида амалий-методик анжуман ўтказиб, ҳар бир маҳалла қошида камида 2-3 миллий ҳунар тўгараклари очилса, маҳаллаларда жамланаётган амалий-миллий удумлар, айниқса, болалар тарбияси билан боғлиқ муаммолар қисман бўлса-да, ўз ечимини топган бўларди.

Марказимизда фаолият кўрсатаётган зардўзлик, дўппидўзлик, каштачилик, ўймакорлик, тикувчилик, наққошлик, тасвирий санъат, драма, бадиий ҳаваскорлик, сандиқсозлик каби тўгараклар айни кунларда тақчиллик сабаб, бир талай муаммоларга дуч келмоқда. Улар учун зарур хом ашё ва асбоб-ускуналарга муҳтожлик сезиляпти. Бунинг устига транспорт хизматининг қимматлашиб кетганлиги туфайли тўгарак аъзолари келиб-кетишда қийналишмоқда. Юзага келган мушкулотлар бартараф бўлса эди, ишимиз ривожига янада ривож қўшиларди.

Нормурод КАРИМЗОДА,
Самарқанд туман болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази ходими.

Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 30-ўрта мактабнинг математика-чизмачилик ўқитувчиси Аслон Набиев ўн етти йилдирки, ёшларга илм-фан сирларини ўргатишда жонфидолик қилиб, қалб қўрини, меҳр зиёсини халқ фарз андининг камолоти учун сарфлаб келади.

Ушбу суратда Аслон ака янги мавзу юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Қ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

Қутлуғ остона

ҚАЛБ ҚУЁШИ

"Маърифат"нинг ҳар бир сонини синчиклаб ўқийман, ўзим учун зарур йўл-йўриқ оламан. Уни энг яқин маслаҳатчим, суянчиғим деб ҳисоблайман. Мен, тўғриси, газетангизга биринчи марта мактуб ёзяпман. Бир ёш ўқитувчи сифатида ўзимнинг дил сўзларимни сизларга изҳор қилмоқчиман.

Кечагина талаба қиз эдим. Энди эса катта йўл бошида турибман. Машаққатли ва шарафли касб эгасиман — ўқитувчиман. Ёш авлодга таълим бериш, тарбиялаш масъулиятини чуқур ҳис қилган ҳолда мактабга қадам қўйдим.

Мен ишламоқчи бўлган Юнусобод туманидаги 273-мактабга отланарканман, хаёлимни турли ўйлар чулғаб олди: "Қандай жой экан, шароитига кўника олармиканман? Мени қандай қарши олишаркин, болалар билан ишлай олармиканман?"

Мактаб раҳбарининг хузурига кирдиму, кўнглим ёришиб кетди. Мавлуда опа Исматова мени ўз қадрдонидек очиқ чеҳра билан қарши олди. Ҳужжатларим билан танишиб чиққач, мустақил ишга қадам қўйганим билан табриклади. Мактаб шароити билан таништириб, "Педагогик жамоамизга сиз ҳам аъзо бўлдингиз, синглим. Шу бугундан иш бошлайверинг", деди табассум билан.

Шу бир оғиз ширин сўз, эътибор менга қўш қанот бағишлади, гўё. Ҳамкасбларим ҳам мени илиқ кутиб олишди. Бир-биридан меҳрибон, дилкаш, бир-бирига кўмакдош дўстлар кўп экан бу ерда.

Менга, ёш мутахассисга мактаб раҳбариятининг, ҳамкасбларимнинг кўрсатаётган ёрдамлари, бераётган қимматли маслаҳатларини ҳам алоҳида таъкидлагим келаяпти. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, кечаги талаба бугун битирувчи синф ўқувчиларига дарс берса-я. Бу ўзгача катта маҳорат, масъулиятни, чуқур билим-малакани тақозо этади-да.

Мактабимизда ички назорат, ўзаро дарслар таҳлили намунали тарзда олиб борилади. Кузатилган ҳар бир дарс таҳлили ошкора айтилиб, ютуқ ва камчиликлар беғараз кўрсатилади. Дарсларни қандай қилиб мазмунли ўтиш борасида йўл — йўриқлар берилади. Бола қалбига йўл топа билишда мураббий ҳамкасбларим ўз тажрибаларини сидқидилдан ўртоқлашадилар. Бу эса мен каби ёш ўқитувчиларга айниқса, қўл келади.

Жамоамиз аҳил меҳнатини мактабимизнинг илмий бўлим мудири Мирзаахмад ака Комилов, директор муовини Қудрат ака Обидовларсиз тасаввур қилиш қийин. Уларнинг фидойи меҳнати биз, ёшларга ибрат бўлаяпти. Мени қучоқ очиб кутиб олган, меҳр тафтини сира аямаётган азиз устозларимга бу кун чин дилдан таъзим қиламан. Раҳмат сизга, қалби қуёш ҳамкасбларим!

Раъно ИЛЁСОВА,
Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 273-махсус мактаб тарих ўқитувчиси.

Маорифимиз жонкуярлари

ҲАЁТ БЕШИГИ

Хайрулла Саъдуллаев сувратига чизгилар

Суврат ости сўз. 1940 йилда туғилган. Мактаб. Завод. Тошкент давлат университетининг филология факультети. 30 йилдан буён Тошкент вилояти педагогика билим юртида ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради.

Кечинма. Қодир эгам бу кўҳна заминда инсон аталмиш ноёб мўъжиза бино қилди. Дастлаб унга қўл ато қилди. Лекин у пайпасланиб, Аллоҳни тополмади. Унга забон берди. Бироқ у ўз даъватлари ичра қолиб кетди. Ва билоҳир унга қалбни неъмат қилди ҳамда иноят айлади: Назарим сенинг қалбингда. Мени тани... Инсон. Бу фоний дунёнинг савобу гуноҳи, бидъату маърифати, оқу қораси унда мужассам.

Сизга маслаҳатим: замон талотўплари, дабдабаю асъасаларидан чарчасангиз, бир комил инсон билан суҳбатлашинг. Руҳингиз тозаради. Беғубор бўласиз. Аллоҳнинг назарини туясиз.

1

Хайрулла аканинг хонасига кириб бораман. Илиқ қарши олади. Кўзлари қизаринқираган. Баногоҳ, столи устидаги Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи"га кўзим тушади. "Тарихга қизиқасизми?" деб сўрайман китобга ишора қилиб.

— Тарих қизиқиш учун эмас, балки билиш учун ўқилади, — жавоб беради у киши. — Билим идрок қилишга олиб келади. Идрок қилган одам эса йўлида қоқилмайди. Ўз тарихимизни билмаслик, қадриятларимизни унутиш бизни не кўйларга солиб қўйганини ўзингиз яхши биласиз. Шукрки, машъум пардалар йиртилди. Мустақилликка етдик. Мозий гувоҳ — халкимиз ноёб. Унинг эндиги келажаги порлоқ бўлади.

Хайрулла ака жим қолади.

Стол устида эса "Тарих"нинг очиқ саҳифалари...

Кечинма. Қишлоғимизда Норбой деган девона бўлгувчи эди. Биз, бир тўда қора-қура болалар, ота-оналаримизнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, у билан ўйнашишни хуш кўрардик. Ҳаргал "Норбой, ана олабўжи" деб тегишсак, "малим" дея бақириб, бир орқага тисланарди-да, сўнг бизни қувиб қоларди.

Норбойнинг нима учун фақат шу сўзни такрорлаши менга қоронғу. Лекин ўша даврдаги болалик хотирамда "муаллим" сўзи бир илоҳий тимсол сифатида муҳрланиб қолган.

2

— Келишда коридорда турган катта тувакдаги гулни кўрдингизми? Барглари сарғайиб ётибди. Ёруғлик яхши тушмайди. Мен ўқитувчини қуёшга менгзагим келади. У маърифат тарқатади. Маърифатсиз жамият эса ўша тувакдаги гиёҳ мисоли авжсиз ётаверади. Шу боис муаллимга эътибор жуда зарур. Айниқса, бу кун, ёш, мустақил республикамиз атак-чечак қилаётган дамда. Бўлмаса жуда кўп нарсани йўқотиш мумкин. Жуда кўп...

Шу пайт Хайрулла акани чақириб қолишади. У бир гуруҳ толиблари даврасида қолиб кетади.

Халақит бермайман.

Кечинма. Баланд тоғдаги чашмани кузатганмисиз. У қайроқ тошларни ювиб, тўзғоқ қумларни оқизиб, яшил қиёқлар аро юғуриб жилғага қўшилиб кетади. Ҳаётда ҳам шундай. Инсон ўз мақсади билан ҳаёт оқимига тушиб кетади. Ҳув наридаги мовий кенгликка интилади.

Мақсад бўлмаса-чи? Бебош чашма каби улоқиб-улоқиб, қум остига сингиб кетади.

3.

— Бугунги кунда айрим ўқитувчилар мактабни тарк этиб тижоратга ўтиб кетаяпти. Албатта, бунинг сабаблари турлича. Лекин бир гапни айтай: муаллимлар сараланяпти. Ҳақиқий ўқитувчи, юрагида мен билим беришим керак деган мақсади бор ўқитувчи ҳар қандай шароитда ҳам мактабни ташлаб кетмайди. Ҳар гал Чингиз Айтматовнинг "Биринчи муаллим"ини ўқиганимда устозларимнинг гапини эслайман: "муаллимлик нонини ейиш қийин"...

— Сизнинг наздингизда, бугунги кун ўқитувчиси қандай бўлиши керак?

— У, аввало, давр кишиси бўлиши лозим. Биздаги иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши "етмиш йиллик мезон"га мослашиб қолган муаллимни чўчитиб қўйди. Улар шошиб қолишди. Шарқда "оқилу тадбиркор" деган ақида бор. Бугунги кунда ўқитувчи ана шу икки сифатни ўзида мужассам этмоғи керак.

Кечинма. Бир закийдан сўрамишлар: — Жужан (манқуртлар) ҳалокати недин?

— Тилини йўқотиб, туққан еридан ажралди, динини йўқотиб, осмонданда ажралди.

4.

Ҳовлини айланиб юрамиз. Ўтган-кетган талаба салом бериб ўтади.

— Қаранг, — дейди Хайрулла ака, — салом ўзлигимиз белгиси, ўзбеклигимиз нишонаси. Бировга тинчлик тилаш — эзгулик. Тарбияни бола кўнглига саломни сингиришдан бошлаш керак.

Пайтдан фойдаланиб, миллий мактаб хусусида сўрайман.

— Маорифимиз неча юз йиллик тарихга эга. Унинг ўз тажрибалари, анъаналари бор. Уларни ўрганиб, мактабга олиб кириш керак. Яна бу мактаб жаҳон андозаларига мос бўлиши керак. Давр талаби шу. Умуман, миллий мактаб — анъанавий маориф усули билан жаҳон андозаларининг уйғунлашувидан иборат бўлиши керак деб ўйлайман.

Хайрулла ака бир хўрсиниб қўйди. "Умидимиз кўп ҳали, умидимиз кўп" деди-да, хонаси томон юрди. Мен жимгина эргашдим.

Сўнгсўз. Биз Хайрулла ака билан кўп нарса ҳақида гаплашдик. Армонларини сўзлади, дардларини сўзлади. Лекин унинг армони ҳам, дарди ҳам — маориф, маънавият. Армонлар, аслида ҳаёт бешиги. Зеро, улардан интилиш туғилади. Интилиш эса келажакдир.

Хайрулла акадай ўз касбининг фидойилари бор экан, биз умид билан айтамиз: маорифимиз аро йўлда қолиб кетмайди.

Асқар ШОКИРОВ.

"Маърифат" хабарлари

САХОВАТ

Бухоро шаҳридаги ип-газлама ишлаб-чиқариш бирлашмаси 24-махсус мактаб-интернати тарбияланувчилари учун 60 кг гуруч, 12 кг конфет туҳфа этишди. Корхона Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ҳам шундай саховатпешалик қилган эди. Ип-газламачиларнинг бундай ҳимматидан билим даргоҳи жамоаси ҳамда ўқувчилари миннатдор бўлишмоқда.

А. ҲАЙДАРОВ.

ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛУР

Шаҳрисабз туманидаги Собир Абдулла номидаги 78-мактабнинг юқори синф ўқувчилари шу кунларда Улуғбек номидаги жамоа хўжалиги пахтакорларига ҳосилни йиғиб-териб олишда яқиндан мадад беряптилар. Улар ҳар куни 3-4 тоннадан "оқ олтин"ни топшириб, республикамиз хирмонига ўз улушларини қўшяптилар.

А. МУҚИМОВ.

ЯНГИ МАКТАБ БИНОСИ

Марҳамат туманидаги Йўлдош Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги ўқувчи ёшлари ажойиб совғага эга бўлишди. Улар учун 240 ўринли замонавий мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Ҳозирги қийин иқтисодий шароитга қарамай, вилоят агросаноат уюшмасининг 2-қурилиш трестига қарашли 113-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари қисқа муддатда мактаб биносини қуриб беришди.

А. ЭРАЛИЕВ.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпелини босиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Рўзнома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштиришганингизда карточкаларни снёх билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадвалидаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Манзилгоҳ ўзгартирилганида, ойларнинг катакларини ва «ПВ—ЖОЙИ» катакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдиришади.

Б-715—15.000.000—91

Синфдан ташқари ишлар

ЎСМИРЛАР ЗЕРИКИШМАЙДИ

Ўсмирлар ўртасида жиноий ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари камайиб бориши ҳақидаги хабарлар кўп қатори биз, халқ таълими ходимларини ҳам қувонтиради, албатта. Мана бир кичик мисол: пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида ҳуқуқбузарликлар ўтган йилга нисбатан 85 фоизга камайди, ҳисобда турган 198 нафар ўқувчидан 174 нафари йил охирида рўйхатдан чиқарилди.

Бу рақамлар замирида қанчадан-қанча педагог-ташкилотчилар, синф раҳбарлари, мактаб педагогик жамоаларининг катта меҳнати, маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда амалга оширган тадбирлари ётибди.

Болалар табиатан ҳар хил бўлишади. Мактабдан келаётган ўқувчилардан бирини кузатар эканмиз, унинг уйга шошмаслиги, йўл-йўлакай магазин пештахталари, бежирим жиҳозланган деразалари олдида тўхтаб қолишининг гувоҳи бўламиз. Бунда бир табиий ҳол, қандайдир қонуният мавжуд: болани уйда ҳеч ким кутиб олмаса, самимий илиқ сўз билан дилини хушнуд қилмаса, бошқа бир қиладиган ишлари бўлмаса, ота-оналари ишдан келгунча бекорчиликдан нима қилишни билмай зерикиб юради, баъзан бехосдан ойна синдиради, кўзни шамғалат қилиб қуритилаётган кийимларни ўғирлайди ёки қаровсиз қолдирилган велосипедни олиб қочади. Шунчаки "ҳазил қилиб" ёки тенгдошлари олдида "қўрқмас ва қайтмас" эканлигини исботлаш учун босилган қалтис қадам оқибатларини дарё бўлиб оққан кўз ёшлар ҳам, ота-онанинг фарёдлари ҳам ювиб юбора олмайди. Бундай ҳолларнинг фақатгина бир йўли бор: ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш учун ўспиринлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, қизиқиши бўйича тўгаракларга жалб қилиш лозим. Бу борада, юқорида таъкидлаганимиздек, Акмал Икромов туманида баъзи ишлар амалга оширилмоқда. Халқ таълими бўлими вакили, бош педагог-ташкилотчи Людмила Васильевна Чечуева билан биргаликда маҳалла ва кўп қаватли уйлар ҳовлиларини айланиб чиқдик. Туманда ишлаб турган 8 та ўсмирлар клублари қошидаги 32 тўгарак ва спорт секцияларига 550 дан ортиқ ўқувчи фаол қатнашади.

Педагог-ташкилотчилар, тўгарак ва секция раҳбарлари белгиланган иш тартибига кўра ҳафтада 2-3 марта машғулот олиб боришади.

Тажрибали педагоглардан П. Эркаева, И. Юсупов, А. И. Гордеева болаларни доимо ширин сўз, очиқ чеҳра билан кутиб олишади, ўз истаги, қобилияти ва қизиқишига қараб маслаҳатлашиб иш топиб беришади.

Анъанага кўра ҳар бир тўгарак махсус кўргазмаларга, аукцион —"ким ошди" савдосига ўқувчилар қўли билан тайёрланган буюмларни чиқаришади. Олинган маблағ эса тўгаракни жиҳозлаш ва керакли материаллар олишга сарфланади.

Болалар ўсмирлар клуби қошидаги тўгаракларга қизиқиб қатнашишади. Чунки мактабда 6 соатдан ортиқ дарсда бўлишиб, бу ердаги тартиб-қоидалардан толиқишади. Шунинг учун дарсдан кейин тўғри клубга ошиқишади. Чунки улар бу ерда ўзларини эркин ҳис қилишади.

Тўгарак ишларига ўсмир ва болалардан ташқари ота-оналар ҳам бажонидил иштирок этишмоқда: "Ёшлик" клубида ташкил қилинган "Каштачилик ва тўқиш" тўгарагига баъзи қизлар ўз оналарини ҳам жалб этишган.

"Нур" клубида эса жаҳон шахмат турнирларида ўтказилганидек ёш шахматчилар катталар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан беллашувлар ўтказадилар. Бундай мулоқот маънавият тарбиясида яхши самаралар бериши, шубҳасиздир.

Тарбиявий тадбирларни ўтказишда Акмал Икромов тумани ҳоким муовини Ҳадича Атаматова, туман халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Ферузахон Асадова, балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекцияси бошлиғи Абдуназар Шералиев, маҳалла фаолларидан Садриддин Носиров, Абдумавлон Ёқубов, Бобохон Омоновларнинг беназир ёрдамини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ зарур.

Бола қалби нозик. Улар дилига йўл топиш, қизиқишларига қараб қизиқарли машғулотлар ўтказиш кўзланган мақсадга эришиш имконини беради. Бу борада Акмал Икромов туманида янада яхши ютуқларга эришилишига ишонамиз.

Х. ИМОНГУЛОВА,
РЎММ руҳий-педагогика диагностика бўлими услубиётчиси.

Тил тўғрисидаги Қонун — амалда!

“ ОДАМИ ЭРСАНГ ДЕМАГИЛ СЕН ОДАМИЙ...“

“Жаҳон минбаридан янграмаса ҳам, она тилим менга муқаддас, буюк“дея куйлаган шоиримиз тамоман ҳақдир. Дарҳақиқат, тил — миллатларнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулки. Миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, халқларнинг миллий ўзлигини англашида тилларни ривожлантириш катта аҳамият касб этади.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир“, —дейилади республикамизнинг давлат тили ҳақидаги Қонунида. Бу модданинг асосий мазмуни республикамиз ҳаётида ўзбек тилининг ишлатилиш доирасини кенгайтириш ва ўрганиш сифатини яхшилашдан иборатдир. Айни вақтда ўзбек тилига давлат мақоми берилиши республикада бошқа миллат ва элатларнинг ўз она тилларини қўллаш, ўқиш ва ўрганиш ҳуқуқларига тўсқинлик қилмайди.

Шу мақсадда биз шаҳримиздаги давлат корхоналари, муассасалари, идоралари, майдонлар ва кўчалардаги ёзувлар ва лавҳаларга эътибор қилиб чиқдик. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганига беш йил тўлиши олдидан шаҳар ҳокимияти қошидаги ўзбек тилини ўрганиш ва уни ташвиқот қилиш ҳамда атамалар қўмитасининг олиб бораётган фаолиятида айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганини ҳис этдик.

Хонобод қадимий ва навқирон шаҳар, унинг тарихи минг йилларга бориб тақалади. Хонобод “Буюк ипак йўли“ ўтган жойлардан, Бу шаҳар Қўқон хони Худоёрхон назарига тушган, аждодларимизнинг энг азиз фарзандларидан бири бўлмиш, азиз-авлиё Фозилмон отанинг қадамжолари ва гўшасидир.

Биз ана шундай шаҳарда яшаётганлигимиздан фахрланамиз. Бироқ шаҳар кўчалари янги номлар билан ўзгартирилиб, хайрли ишлар қилиндию, номлар ёзилган лавҳалар ҳар хил ёзув ва шаклда бўлиб қолган. Масалан, Навоий кўчаси, Сойиб Хўжаев кўчаси, Анваржон Ахмедов кўчаси, Одилжон Қодиров кўчалари аслида Алишер Навоий номидаги кўча, Сойиб Хўжаев номидаги кўча, Абдуазиз Йулдошев номидаги кўча тарзида ёзилиши керак эди. Чунки бу кўчалар шахсиятга тааллуқли бўлмай, инсонлар хурмати учун қўйилган номлардир. Шаҳримизнинг марказий қисмидаги катта-кичик кўчалар ҳам янги номлар олган. Минг афсуски, Абдурауф Фитрат, Амир Темур, “Зиёкор“ деб ном олган бу кўчаларда ном билдирувчи биронта ёзув нишонаси йўқ, ҳалигача 42, 45, 121, 124 -уйлар қабилида айтиб келиняпти.

Шаҳардаги корхона, идора, дўконлар номи ҳам тўлиқ ўзбекчалаштирилмаган. Масалан, “Деҳқон“, “Алмаз“, “Нигора“, “Универмаг“, “Рохат“ каби дўкон номлари, Хонобод бозорининг эса на номи бор, на ёзуви бор. Шаҳар ҳокимияти биносининг кираверишида — чап томондаги ёзувга кўзингиз тушса ҳайратланасиз. Амалдаги алифбога ғализ шаклдаги ҳарфлар қаердан келиб қолганини, ким ихтиро қилганини билмай бошингиз қотади.

Шаҳар алоқа бўлимининг ҳовлисидаги кўргазма тахтага буюк мутафаккир олим, шоир, давлат арбоби, ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзи йирик ҳарфлар билан шундай ёзилган:

Одами эрсанг демагил сен одамий,
Ониким йўқдур халқ ғами-ю дин ғами.

Ҳазрат Навоийнинг инсонийлик хислатлари, орзу-истакларини ифода этган ушбу ҳикмати қофияси, сўзлар ўрни, шакл ва маъноларини бу тарзда ўзгартириш жуда кулгили-ку!

Ҳасанбой ДОМЛАЖОНОВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

Андижон вилояти.

БОЛАЛАРНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ

Қайғу ва қувончларини ҳеч иккиланмай ошкор қиладиган, ошкора йиғлаб, ошкора куладиган болаларни алдаб бўлмайди. Уларнинг пок қалби, мурғак нигоҳи ёвузликни ҳам, эзгуликни ҳам тез идрок этади, кўз қарашлари-ю, гап-сўзлари, интилишлари билан уларни исбот ҳам этади. Буни, айниқса, болалар театрида узоқ йиллар давомида фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистон халқ артистлари Обид Толипов ва Муҳаббат Йўлдошевалар яхши билишади. Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрининг мўъжазгина сахнасида уларнинг изи тушмаган бирор қарич ер, кўнгил кўзи билан чизилган, турли сиймолар талқинида сўзи етиб бормаган бирон бурчак бўлмаса керак. Бундоқ сархисоб қилиб қарашса, бу даргоҳда Обид аканинг ўйнаган роллари 300 дан ошиб кетибди. Муҳаббат аяники ҳам. Бу айтишга осон. Аммо ҳар бирининг ўз тақдири, ўз ҳаёти бор. Обид Толипов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Иброҳим Ахмедов билан ҳамкорликда “Ким айбдор?“, “Сирли сандиқ“, “Қимирлаган қир ошар“ каби асарларни ҳам яратган ва турмуш ўртоғи Муҳаббатхон билан унинг ижросида қатнашган.

Обид Толипов олтмиш йилдан бери, Муҳаббат Йўлдошева 55 йилдан бери ижод билан машғул. Бирлари 75, бирлари етмиш ёшини нишонлаётган бу бобо ва момо бирга турмуш қурганларига қирқ беш йил бўлибди. Тўрт ўғил, бир қизни вояга етказишиб, уларни уйли-жойли қилишди. Эндиликда набираларининг тўйларини ўтказиш, уларнинг борди-келдиси билан ширин ўртанишда...

Қўша қариганларнинг умр йўлига назар солганинг сари бунинг сирй нимада эканлигини билгинг, бир-бирини аяб, бир-бирини суяб яшаганларга ҳавас қилгинг келади ва... бунинг сири эзгуликнинг майдони кенг, ёвузликники тор деб, ...иймон-эътиқодларини йўқотмаганликларидан эканлигини тан оласан.

Чақалоқ бола билан саҳнага чиқишга тўғри келган, ёри уруш майдонларида беш йил ўлим билан курашиб юрган чоғида юрт келажагини эзгулик тантана қилишга ишонтирган Муҳаббат аяга тасаннолар айтгинг келади.

Ҳар даврнинг ўз юки бўлади. Асрнинг ҳам, сонияннинг ҳам ўз қадри, ўз вазни. Обид ака ҳам бу қадру вазнни тўғри чамалай билди. Даврнинг ўзига хос юкини кўтариб, инсонийлик бурчига содиқликда бу эркак иши, бу аёл иши демай, оила отлиқ сирли хилқатнинг жуфт болори бўлди. Фарзанд ўстиришда, уларни замонага мос қилиб тарбиялашда тенг турди. Бошқа оталарга, айниқса, актёр оталарга ўрнак бўла билди. Энди эса кулиб “Ўн битта невара, тўртта эварамиз бор, деб турибди. Тўртта қиз неварани узатдик, еттита ўғил неваранинг каттасини уйлаш ниятида юрибмиз“...

Обид ака ва Муҳаббатхон аяларни мухлиси энг кўп актёрлар десак, муболаға бўлмайди. Олтмиш йил болалар саҳнасида мурғак қалбларга эзгулик уруғини сочган Обид ака бу уруғнинг униб чиқиб, нишона берганини кўрганидан бахтиёр. Педагогика билан сўз санъати бир-бирига қўшилганда болалар адабиёти туғилганидай, бу адабиётни болаларга кўрсата билганидан дили яйраб, ёшлиги қайтиб келгандай ҳуррам, Муҳаббат ая. Чунки улар ҳамиша янги, гаштли олам ичига кириб, руҳланиб яшашди. Ана шу руҳий кўтаринкилик уларга куч-қувват ато этди. Шунинг учун ҳам қаримади улар. Чунки оламидан беғубор болалиги аримади уларнинг. “Оч қолдим“ деб нола қилишганида саҳнага отилган конфет-у, олмалар гувоҳдир бунга. Ёвузликни ҳайдашга чоғланган юнг коптогу қўғирчоқларларнинг эса сон-саноғи йўқ бунда. Шунинг учун ҳам бу актёрлар болаларни алдаб бўлмаслигини бошқалардан кўра яхшироқ билишади. Болалар қалбига эзгулик уруғини сепишни билишади. Бу эзгулик эндиликда уларнинг фарзандлари-ю, набираларига ҳам сочилмоқда. Уларнинг ортида эса яна қанча-қанча гулу чечаклар очилмоқда. Бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Нияти пок бўлганларгагина, ҳамма нарсани яратувчи, унинг баҳосини берувчи вақт билан ҳисоблашиб, вақтдан унумли фойдаланганларгагина, яхши кайфият қумни олтинга айлантиришига, инсонлар қалбига йўл топишни осонлаштиришга ишонганларгагина насиб қилади.

“Аслини олганда, сен қўнимли бўл, хизмат ишларини адо этар пайтингда шошилма. Пайти келса барча берк эшиклар ўзи очилади“, — деган гапга ишониб яшаганликларидандир, бу. Чунки улар эндиликда ҳам ҳаётда, ҳам ҳаёт саҳнасида кўринмас меҳнатнинг самараларини кўрдилар. Шох билан илдиз орасида вақт ётишини дилдан ҳис қилиб, йиллар давомида шох-бутоқлари қуюқ дарахтга айландилар. Бу дарахтнинг кўркамлиги, кўкаламлиги мангу бўлсин. Ҳалол меҳнатга ҳамдамлик, вақтдан унумли фойдаланиб, эл кўнглини, бола дилини ёритмоқлик бахти узоқ вақт тарк этмасин, — деймиз уларга.

Умида АБДУАЗИМОВА.

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Яқиндагина нишонланган халқ таълими ходимлари куни байрами Акмал Икромов туманидаги 245-мактабда катта тантанага уланиб кетди. Шодиёнага билим масканн ташкил этилганига 20 йил тўлгани сабаб бўлди.

Мактаб афғон урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган Тўлқин Жалолов номи билан аталади. Йигит-қизлар у билан фахрланадилар, у каби жасур ватанпарвар бўлишни орзу қиладилар. Бундан роппа-роса 20 йил илгари ушбу илм даргоҳи очилишида таниқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов ҳам иштирок этганди. Ўтган давр мобайнида мактаб ҳаётида талайгина ўзгаришлар рўй берди.

Узоқ йиллар мактабга тажрибали педагог марҳум Шариф Тошпўлатов раҳбарлик қилди. Бугунги кунда билим даргоҳини битириб ниққан минглаб йигит-қизлар турли соҳаларда муваффақиятли ишламоқдалар. Қосим Муҳаммаджонов, Баҳром Вафоев, Нўъмон Шамшиев, Комилжон Имомов, Ғаффор Мўминов сингари олимлар билим масканининг фахр-ифтихори ҳисобланади. Жамоага эндиликда тиниб-тинчимас ташкилотчи Фахриддин Муҳиддинов раҳбарлик қилмоқда. Байрам арафасида ўқитувчилар Фахриддин акани республика халқ таълими аълочиси унвонини олгани билан қизғин табриклашди.

Туман халқ таълими бўлими мудири Абдулаҳад Йўлчиев ҳам математика фанидан дарс бериб мактаб ҳаётида ёрқин из қолдирганлардан. Мактабнинг оилалар ва маҳалла билан алоқаларини мусаҳкамлашда маҳалла қўмитаси раиси Сафо Маҳаммадвафоевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Қўшалоқ байрам муносабати билан мактаб жамоасининг фаол аъзоларига шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг ҳамда туман халқ таълими бўлимининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо мукофотлар топширилди. Катта байрам дастуридаги миллий куй-қўшиқлар йиғилганларни янада хушнуд этди.

З. ТЎЛАГАНОВА.

СУРАТДА: тантаналардан лавҳа.

З. СОКОЛОВ олган сурат.

Мактабгача тарбия муассасаларида

ХОНАДОН-БОҒЧА

Яккабоғ туманидаги “Пахтаой“ болалар боғчаси мудираси Махфират Абдуллаеванинг саъй-ҳаракати туфайли Нафас Исоқов хонадонида хонадон-боғча ташкил этилди. Бу ерда болажонларнинг кўнгилли дам олишлари, кунни мароқли ўтказишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Кенг ва сўлим ҳовлидаги учта шинам хонада 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган 20 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда.

Тарбиячи Гулбаҳор Исоқова опаси Гулсара Исоқова билан биргаликда кичкинтойларни маънавий юксалтириш ниятида мусиқа, жисмоний тарбия, расм чизиш каби машғулотларни мунтазам олиб бормоқда.

Ҳозирда болакайлар севиб ўйнайдиган ўйинчоқларга тақчиллик сезилмоқда. Мазкур хонадон-боғча соҳиблари бунинг ҳам чорасини топишди. Улар қизил лойдан, чиқит матолардан ўйинчоқлар ясашга киришдилар. Шунингдек, тарбиячи ва энага болаларга “Дорбоз“, “Улоқ“, “Тилла-пиллам“, “Чин қушим, чинни қушим“ сингари қадимий ўйинларни ўргатишяпти. Бундай ўйинларга жаззиларнинг қизиқишлари катта.

Хонадон-боғча соҳиблари Фурқат номидаги ўрта мактаб муаллимлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишган. Тарбиявий ишларда ўқитувчилар хонадон-боғчадан ўз ёрдамларини аямаяптилар. Айниқса, ота-оналар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар яхши натижа бермоқда. Улар ҳафтада бир марта боғчага таклиф қилиниб, муаммоли ишлар бамаслаҳат ҳал этилаётир. Бу борада Йўлдош Мусурмонов, Эргаш Раҳмонов каби ота-оналар бошқаларга намуна бўлишаётир.

Уй-боғча ишини ташкил этишда илғор тиббиёт ҳамшираси Муаззам Ҳамидова, катта тарбиячи Дилбар Рустамова, мусиқачи Эшмамат Имомовнинг қиссаси катта бўлмоқда.

Х. ТЎРАЕВ,
Яккабоғ туман халқ таълими бўлими услубчиси.

Танқид, мулоҳаза, таклиф

ЎҚУВ ДАСТУРИ МУКАММАЛМИ?

Ўзбек адабиёти фанидан янги дастур ва дарсликлар яратилиб, катта иш қилинди. Бу таълим мазмунидаги янгиланишнинг дебочаларидан бўлди. Шунга қарамай, мен амалиётчи ўқитувчи сифатида ўзбек адабиётидан тузилган дастур ва дарсликлар хусусида баъзи мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Чунки бу соҳада анчагина муаммолар мавжудлиги кўпчиликка аён.

Аввало, ўзбек адабиётидан тузилган дастурлар "Таълим тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ келмайди. Қонунда мажбурий таълим 9 йиллик деб белгилаб қўйилган. Демак, ҳамма ўқувчилар ҳам 10 — 11-синфларда ўқишавермайди. Масалан, бизнинг мактабни ҳар йили 60 дан ортиқ ўқувчи битиради. Шулардан ўртача 25 нафари 10-синфда ўқиш истагини билдирмоқда. Кўриниб турибдики, 9 йиллик таянч мактаблар учун алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарур. Бу дастур ўзбек адабиёти тарихидаги энг буюк, истеъдодли шоир ва ёзувчилар ижодини қамраб олиши лозим. Ҳозирги дастур бўйича 9-синфни битирган ўқувчи, масалан, Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" ёки "Меҳробдан чаён" романлари ҳақида махсус маълумот ололмайди. Чунки бу асарлар ҳозир 11-синфда ўрганилади. 9-синфни битираётган қанчадан-қанча ўқувчилар эътиқодни, маънавиятни шакллантирувчи сара асарларни ўқишдан, ўрганишдан маҳрум бўлишаётганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Таклифим шуки, 9-синфгача "Ватан адабиёти" курси ўқитилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Курсдан мумтоз адабиётнинг, XX аср ўзбек адабиётининг барча ноёб намуналари ўрин олиши зарур. Ана шунда 10-синфда "Ўзбек мумтоз адабиёти", 11-синфда "XX аср ўзбек адабиёти" курси кенгроқ, чуқурроқ ўрганилиши мумкин. Тўғри, баъзилар ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш учун бир ўқув йили камлик қилади, дейишар. Аммо мен бу муаммони ҳам осонгина ҳал этганман, яъни бунинг учун маълум изчилликка амал қилинса бўлди. Фикримча, ранг-баранг жанрларда катта ҳажмдаги ижодий мерос қолдирмаган шоир ва ёзувчилар ҳаётини бир синфда ўрганишнинг ўзи етарли. Масалан, Нодира, Увайсий, Махмур, Гулханий, Турди, Завқий, Аваз Ўтар, Усмон Носир, Миртемир, Зулфия, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодини 5-9-синфларда ўқитиш етарли деб ўйлайман. Шунда ҳам битта синфда такрорийликка йўл қўймаслик керак.

Навоий каби буюк шахслар ижодини эса синфлараро тақсимлаб юборса бўлади. Масалан, 5-синфда қитъалари, 6-синфда рубоийлари, 7-синфда туюқ ва фардлари, 8-синфда ғазаллари, 9-синфда "Фарҳод ва Ширин" достони, ҳаётининг муҳим саналари ўқитилади. 10-синфда эса "Хамса"нинг бошқа достонлари, илмий, фалсафий асарлари ҳақида маълумот берилади. Ёки "Меҳробдан чаён" романи 9-синфда ўрганилса, "Ўтган кунлар" 11-синфда ўқитилаверади. Шу ўринда 9-синфни битираётганлар "Хамса"нинг бошқа достонлари ёки "Ўтган кунлар" тўғрисида маълумот олишмас экан-ку, деган савол туғилиши мумкин. Бу энди ўқувчининг қизиқишига, виждонига ҳавола. Муҳими, унга маълум йўналиш берилади.

Халқ оғзаки ижоди ҳам синфларга тақсимлаб ўқитилса, яхши натижа беради. Масалан, 5-синфда мақоллар, 6-синфда топишмоқлар, 7-синфда халқ қўшиқлари, 8-синфда "Навоий", "Юлдузли тунлар", "Диёнат", "Ҳазрати инсон" романларидан парчалар ўқитилиши, менимча, шарт эмас. 5 — 9-синфларда Пиримқул Қодиров ва Одил Ёқубовнинг кичикроқ қиссаларини ("Нажот", "Муқаддас"), Ойбек шеъриятини тўла ўқитиш имкони бор-ку! Юқоридаги романларни эса 11-синф (дарслигига) дастурга киритиш мумкин.

Умуман, дастур оддийдан мураккабга қараб тузилгани маъқул. 5-синф ўқувчиси учун Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий ижодини ўрганиш оғирлик қилади, албатта. Бунинг устига улар 7-ва 10-синф дастуридан ҳам ўрин олган. Бундай қайтариқлар, чалкашликлар ўзбек адабиёти бўйича тузилган янги дастур ва дарсликларда жуда кўп. Менимча, 5 — 9-синфлар учун ва 10 — 11-синфлар учун алоҳида-алоҳида "Хориж адабиёти" дарслиги яратиш унчалик қийин иш эмас. Фақат ўзбек адабиёти бўйича тузилган дастурларга билдирилган мулоҳазаларимиз хориж адабиёти бўйича дастур тузишда ҳам ҳисобга олинса бўлгани!

Мен, адабиётшунос олимларга, ўқитувчиларга шундай мурожаат қилмоқчиман: келинглар, ягона ва яхлит, мукаммал дастур тузайлик. Бу унчалик қийин иш эмас. Ҳаракат қилинса, ҳамма ишни тез фурсатда бажариш мумкин. Мен бунга ишонаман ва ўз ғояларим, қарашларим билан бу дастурни тузишда қатнашишга тайёрман. Ўқувчилар ўқиш жараёнида имтиҳонларда қийналмасликлари учун мукаммал дастурлар тузиш ишини кечиктирмайлик.

Муҳаммад МАМАТВАЛИЕВ.
Чортоқ туманидаги Улуғбек номидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Меросимизни ўрганамиз

ХОРАЗМ ФАРЗАНДИ

“Ўтиб неча йиллар яшайдур мудом,
Жаҳонда улуғ иш ва доно калом“.
(Кўҳна ёзишмалардан).

Замонлар ўтаверади. Эзгу ишлар эса абадий қолади. Ана шундай умрбоқий ишлари билан довруғ таратган барҳаёт сиймолардан бири алломаи бузруг аз-Замахшарийдир.

Замонасининг машҳур филологи Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад аз-Замахшарий 1074 йили Хоразмга қарашли Змухшир туманида таваллуд топган. У ўзининг Замахшарий нисбасини ҳам шу жой номидан олган.

Замахшарий болалигидан илмга зўр ҳавас қўйган ва то мадрасага қадар бўлган дастлабки сабоқларни эгаллагач, отаси Умар ибн Аҳмад Мовароуннаҳрнинг донгдор билим масканларидан бири ҳисобланган қуббатул ислом Бухорога ўзи билан бирга олиб йўлга чиқди. Бироқ тарихий манбаларда баён қилинишича, улар кўзлаган манзилга етиб боролмайди. Йўлда Замахшарий туядан йиқилиб, оёғи синади. Боз устига ҳаво ҳам совуқ келиб, синган оёғининг жароҳати кучаяди ва тиззасининг юқорирағидан кесиб ташлашга тўғри келади.

Манбаларга қараганда, Абулқосим Маҳмудга Бухорога бориб ўқиш кейинчалик ҳам насиб этмаган. Отаси ўғлига ҳунар эгаллашни, яъни тикувчилик касбини ўрганишни маслаҳат берган. Замахшарий бунга рози бўлмаган. У ўзини марказга — Урганчга элтиб қўйишини сўраган. Отаси ўғлининг райини қайтармай айтганини бажаради ва бир масжидга жойлаштиради. Замахшарий бу ерда мустақил равишда ўз билимини оширишга, диний ва дунёвий илмларни эгаллашга астойдил бел боғлайди, муттасил мутоалага берилади, ҳуснихатни машқ қилади.

Урганчнинг атоқли олиму фузалолари, мударрислари ҳам ундан самимий ёрдамларини аямадилар. Бора-бора у қўним топган жой илм аҳли масканига айланди, ана шу ерда кўплаб содиқ ёр-дўстлар орттирди.

Тез орада ўзининг ҳуснихати ҳайратланарли қобилияти ва кучли хотираси билан илм, адабиёт аҳли орасида танилди, “Фаҳр ал-Хоразм“ (“Хоразмнинг фахри“) деган юксак номга сазовор бўлди. Лекин шундай бўлса-да, Замахшарий ўта камтар, содда, юпун ва ғарибона ҳолда ҳаёт кечирганлиги манбаларда қайд этилади.

Замахшарий қўлида таҳсил олган, кейинчалик унинг ўрнида устоз мударрис бўлиб қолган машҳур олим Абулфазл ал-Баққолий ал-Хоразмий (1167 йилда рихлат этган): **“...Устоз Замахшарий юраги кенг, хуш хулқ, ҳамиша кулиб турадиган нуроний чеҳрали, тили фосиқ одам эди. Хуллас, ул зоти бобаракатни таърифлашга менинг на назмим, на насрим ожизлик қилади“** деган экан.

Аллома Замахшарийнинг фалакиёт, риёзиёт, фиқиҳ (қонуншунослик), жуғрофия, тарих, фалсафа фанларига оид ёзилган асарлари бўлса-да, у ўзининг асосий илмий йўналишини кўпроқ тил-адабиётга қаратган.

Замахшарий қирқ ёшида оғир хасталикка чалинади. Кейинроқ тузалиб кетгандан сўнг, Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад Ануштегиннинг бир мажлисида илмий мунозаралари, шеърлари билан иштирок этиб, шаҳаншоҳнинг бағоят эътибори — илтифотига муяссар бўлгач, унга билимларини такомиллаштиришга кенг йўл очилган. Замахшарий дастлаб Маккада яшаган вақтида улкан билимга эга бўлган араб олимларининг зўр эъзоз-икромлари, ҳурматига эришган. Ҳатто ундан араб олимлари сабоқ олганлар ва Замахшарийга ўша даврнинг энг юксак унвони ҳисобланган “Жорулла“, яъни “Илм сардори“ деган нисба ҳам берганлар. У биргина Замахшарийга насиб этган. Хоразмнинг фахрли фарзанди бўлмиш Абулқосим Маҳмуд аз-Замахшарий Мадина, Миср, Бағдод, Дамашқ шаҳарларида бўлади.

У ўзининг асосий илмий-ижодий ишларини араб тили грамматикаси, яъни тилнинг қурилиши қоидаларига ва адабиётга бағишлайди. Бағдодда яшаган вақтида у умум араб тили қоидаларига кирмай қолган араб тили қоидалари ҳақида “Муҳокамату аннаҳвия“ (“Тил ҳожатлари“) номли китоб ёзиб, араб олимларини ҳайратда қолдирган. Жумладан, улкан истеъдод эгаси бўлган олим Замахшарий араб адабиётига оид “Мақолат“ (“Мақоллар“), “Самим ал-Арабия“ (“Араб тилининг мағзи“), “Фоиқ аллуғ т“ (“Энг яхши луғатлар“), “Асос ал-Балоға“ (“Сўзга усталик асослари“), “ал-Муфассал“ каби жами 48 га яқин илмга ташна қалбларни нур, шуур билан чароғон этувчи мукаммал асарлар ёзган. Жумладан, Замахшарийнинг “Асос ал-Балоға“ асарини кўздан кечирадиган бўлсак, аллома унда араб тилининг балоғати (сўз усталиги) ва фасоҳати (гўзал, мазмундорлиги) ҳақида гапириб: **“Фикрни бир ерга жамлаб, чиройли ибора ва мазмундор сўзлар билан ифодалаш керак. Маълумки, дунёда сўз кўп, бироқ шу сўз бойлигидан тўғри ва усталик билан фойдалана билиш, дур ўз ўрнида қадрли бўлганидек сўзни ўз ўрнида ишлатиш, қоидага мувофиқ сўзлаш ва ёзиш учун киши шубҳасиз фасоҳат ва балоғат илмидан етарли даражада хабардор бўлмоқлиги лозим“,** деб ёзганлигининг шоҳиди бўламиз.

Шунингдек, унинг асарларида гўзал ва олижаноб фазилатларни касб этиш, разил одатлардан қочиш, одоб-ахлоқ тарбиясига ҳам кенг ўрин берилганини кўрамиз.

Албатта, замонасининг илғор фикр эгалари, мутафаккирлари ўз асарларида ҳамиша таълим-тарбия масалаларига ҳам алоҳида улкан аҳамият берганлар. Негаки, бу ҳол гўзал фазилатларни эгаллашнинг муҳим шарти ҳисобланган. Зероки, ҳаётнинг боши ростлик бўлмаса унинг поёнидаги ростликдан, яъни ёш ўтгандан кейинги ростликдан не наф бўлганидек, улар болаларни дунёга келган кундан бошлабоқ тарбиясига қаттиқ киришиш жуда муҳим ва зарурлигини қайта-қайта қатъий уқтириб келганлар. Халқимизда қуш уясида кўрганини қилади, — деган нақл бор. Бола дунёга бадахлоқ ёки бир йўла хушахлоқли олим бўлиб келмайди. Балки дунёга келган боланинг оиладан бошланадиган умум тарбиясига асосан боғлиқлигини назарга олмай бўлмайди. Маълумки, яхши тарбияли оилада бола сўзсиз яхши тарбия олади, ёмон тарбияли оилада шубҳасиз ёмон тарбия олади. Бунинг устига ташқи муҳит ҳам носоғлом бўлса, шаксиз салбий хислатларда вояга етади. Бундай ҳолда ўсган боладан жамиятга фақат азият етиши мумкин, холос.

Аслида ёшликдан болада ижобий хусусиятлар пайдо бўлиши, ахлоқий сифатлар шаклланиб, ривожланиши кутилади. Замахшарийнинг асарларидан ана шу каби масалалар ҳам четда қолмаган. У асларида ота-оналарга мурожаат этиб: **“Ўз фарзандингизни то имкон қадар яхши хулқ-одобли, ақлли бўлишга ўргатинг... Магарким, кимарса ёшликдан яхши хулқ-одоб эгалламас эркан, улгайганда ондин билим талаб қилманг! Ғумай экиб, буғдой ўролмайсиз-ку, ахир. Ҳамон шундай эркан, ота-она ўз фарзандларига дунёдаги жамики эзгуликлар билан йўғрилган ижобий хислатларни сингдира бормоқлиги минг карра шартдир. Шул боис болага нисбатан, ўз зиммангизга юкланган масъулиятни ҳис этган ҳолда яхши таълим-тарбия беришга интилиш — ҳаракат қилиш мақсад — муддаодирки, токим ул ўзида ижобий хусусиятларни ўзлаштирсин ва ярамас хатти-ҳаракатлардан ўзини муҳофаза этсин“,** — деган экан.

Замахшарийнинг яна “Айвоқу ва заҳоб“ (“Олтин халқа“), “Муқаддимат ал-адаб“ (“Адабиётга кириш“, “Ал минхож фил усул“ (“Усул бобидан кўрсатма“) каби асарлари ўз даврининг илм аҳллари томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинган.

Замахшарийнинг энг йирик ва машҳур асари “Муқаддимат ал адаб“дир. Манбаларда қайд этилишича, мазкур асар Хоразмшоҳ Абулмузаффар Жалолиддин Отсизнинг (1127 – 1156 йил) топшириғига биноан ёзилган. Ушбу асар асрлар мобайнида бир неча бор араб тилидан туркий, форсий тилларга таржима қилинган. Олимнинг кўпгина бошқа асарлари, шарҳлари қаторида бизнинг кунларимизга қадар етиб келган. Унинг қаламига мансуб асарлар ўз вақтида Оврупо тилларига ҳам таржима қилинган. Париж, Лейпциг, Вена, Лондон, Норвегия, Миср, Ҳиндистон ҳамда Қозон каби шаҳар ва ўлкаларда бир неча бор нашр этилган. Олмон олимларидан Ватзастайн “Муқаддимат ал адаб“нинг Овруподаги мавжуд таржима нусхаларини аслига қиёсан солиштириб, 1850 йили Лейпцигда унинг танқидий матнини икки жилд этиб нашр эттирган.

Сўз салтанатининг тождори бўлмиш алломаи замон Замахшарийнинг 23 та асари шу кунга қадар асл ҳолида етиб келган. Дунё кутубхоналарида унинг 25 та асари сақланмоқда. Бу асарлар қадим-қадимдан қўлдан-қўлга ўтиб, севиб ўқилиб келинади. Араб шоирларидан бири: **“Дунёдаги барча қишлоқлар жамланиб, биргина Хоразмнинг ЗАМАХШАР қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта келиши мумкин бўлган буюк Замахшарийдек машҳур йирик алломани дунёга келтирган“**, деб фахр ва ғурур билан ёзган экан.

Ҳақиқатан ҳам ўзбек халқининг улуғ фарзанди Замахшарий аллақачонларданоқ дунёдаги илм аҳллари қалбидан жой олган ана шундай табаррук зотдир. У, Ануштегинлардан Хоразмшоҳ Абулмузаффар Жалолиддин Отсиз даврида 1144 йили Урганчда етмиш ёшида дунёдан ўтган.

Жазоирлик машҳур араб тадқиқотчи сайёҳи ибн Боттута ўзининг **“Саёҳати ибн Боттута“** асарида 1333 йили Урганчда бўлганида: **“...Хоразмда олим имом Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг қабри бор. Унинг қабри усти гумбаз қилиб (мақбара демоқчи — Ҳ. З.) ишланган...“** деб ёзган. Минг афсуски, ҳозир унинг мақбарасидан ном-нишон ҳам қолмаган.

Зероки, шундай экан, бул улуғ аждодимизнинг муборак номи ва илмий-ижодий меросини кенг қўламда ўрганиш ҳам фарз, ҳам қарздир. Аммо ҳали ҳанузгача бу ишга жиддийроқ киришилмагани ёхуд назар-эътиборга олинмай, қадр-қимматини топмай келинаётгани ниҳоятда афсусланарли ҳолдир.

Эндиликда қадриятларимиз тикланмоқда. Мустақиллик шарофатила эмин-эркин нафас ола бошлаган ҳозирги улуғ кунларимизда буюк аждодларимизнинг бебаҳо илмий меросларига қизиқиш ортар, табаррук номлари абадийлаштирилар ва ҳеч бўлмаганда рамзий мақбараси ҳам ўз ўрнида қарор топар ҳамда миннатдор авлодлар қалбида яшаш бахтига муяссар бўлар деб умид қиламиз!

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.

Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги

Бобораҳим ОМОНОВ

ЖАҲОН ОСМОНИ

Бобораҳим Омонов Навоий вилояти, Навоий жамоа хўжалигида истиқомат қилади. Навоий номидаги ўрта мактаб ўқитувчиси. Ҳамкасбимизни кўп йиллардан буён шонли тарихимиз, улуғ аждодларимиз қисмати жиддий қизиқтириб келади. Унинг бу борадаги илк изланишларидан бири сифатида "Навоий ва Хусайн" номли саҳна асари юзага келган эди. Эндиликда маълум тажриба тўплаган Бобораҳим Омонов Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб "Жаҳон осмони" номли тарихий драматик асар яратди. Ҳамкасбимизнинг қуйидаги асарини тўйга тўёна сифатида эътиборингизга ҳавола этамиз.

Иштирок этувчилар:
Саккокий
Самарқандий | *шоирлар*
Навоий
Али афанди — китобдор (китобфуруш)
Маҳмуд Чалабий — мударрис
Жон Гривс — сайёҳ, ***Улуғбек фаолиятини жаҳон миқёсида тарғиб этган инглиз тадқиқотчи олими.***
Салотин дунёда кўп келдию кетти, сенингтик бир,
Фалакнинг гар тили бўлса айтсунким, қачон келғон?!
(Саккокий)

МУҚАДДИМА:

Асрлар қаъридан келгувчи гижжак навоси эшитилмоқда. Саҳна тўри секин ёришиб, тахтда ўлтирган Мирзо Улуғбек намоён бўлади. Кейин саҳнанинг ўнг томонида ёзув ила машғул киши ёритилади ва муаллифнинг "Замон шоирларининг пешвоси — аллома Саккокий" деган изоҳи эшитилади.

Саккокий ўз ёзувига яна бир кўз югуртиргач, Улуғбекка қарата хитоб қилади:

Фалак... йиллар керак сайр этса
ва келтурса илкингга
Менингтек шоири турк
ва сенингтек шоҳ донони!..

Нурлар ўчади. Яна мусиқа давом этади. Бироздан кейин енгил ва одми кийинган олим Улуғбекнинг осмон ёритқичларини кузатаётгани, саҳнанинг сўл томонида эса ёзув ила машғул яна бир киши кўринади. Шу асно муаллифнинг "Шоир ва тарихнавис — Абдураззоқ Самарқандий" деган изоҳи эшитилади.

Кейин Самарқандий ёзувдан бош кўтариб, салмоқлаганча дейди:

Чун Улуғбек Мирзодек соҳиби илми ҳандаса
Топилғайму изланса гар минглаб мадраса?!
(Яна саҳна қоронғулашиб куй давом этади).

1-КЎРИНИШ:

Али афандининг китобфурушлик дўкони. Дўкон ёнида бир нуроний киши — Маҳмуд Чалабий хонтахтага суянганча чой ичиб ўтирибди. Али афанди икки харидор талабага улар танлашган китобларни сотгач, хонтахта ёнига келиб ўлтираркан, суҳбатни давом эттириб савол беради:

— Демак Шоҳрух Мирзо вафотидан сўнг шаҳзода Абдулатиф ҳибсга олинғон эркон-да, а?

ЧАЛАБИЙ. Ҳа, башарти Самарқанддин султон атоси зудлик ила етушиб жонига аро кирмағонда амакиваччаси Мирзо Олоуддавла ул телба сифотни ёсоқа тортмоғи-да шаксиз эрди. Ўшал асно Улуғбек ҳазратлари Оловуддавла ила сулҳ тузгон ва ўз тасарруфига ўтгон обод Балх вилоятининг ўғли Абдулатифга инъом этгон эрди.

КИТОБДОР. Атосининг бул мадад-муруввати оллинда шаҳзода Абдулатиф ҳар қанча қуллуқ қилса арзир эрди.

ЧАЛАБИЙ (бош сараклаб). Аксунча, чархи кажрафторнинг ишин кўрингким, жангарифеъл Абдулатифга бул кифоя қилмас — ул Ҳирот тахтини олурга тагин бир неча бор уруниб, ҳар гал атосидин мадад тилайдур. Аммо Мирзо Улуғбек ҳазратлари тузилган сулҳ шартларига амал қилуб, шаҳзодани раъйиддин қайтарур, ўзлари Самарқандга қайтгоч катта лашкарни тарқатуб тагин илм ила машғул бўлурлар.

КИТОБДОР (тасдиқлаб). Тарихда ўтгон жам одилу доно шоҳлар айни шундайин йўл тутгонлар.

ЧАЛАБИЙ. Аммо Мирзо ҳазратлари Ҳирот билан сулҳ туздим таги ўртада, фарзандим бор, дея ортуқ хотуржам бўлгон эрконлар. Нобакор ўғил Ҳиротни олурдин умид узгач, ўз атосидин Самарқанд тахтини тортуб олмак ниятига тушуб қечагина рақиблари бўлгон Ҳирот султонларидин мадад сўрайдур.

КИТОБДОР (тонг қолиб). Ё оллоҳ, ана кўрнамаклик!..

ЧАЛАБИЙ. Кўрнамаклик эрмас, хиёнат, жиноят денгиз. Ул баттол Самарқанддаги Мирзо ҳазратларидин норизо бўлгонлар, жазо олгонлар мунофиқу кажроҳлар ила ёшурин тил бириктириб ғафлатдаги ато устига қўшин тортур. Султон ҳазратлари аввало эшитгонларига инонмай, сўнг ноилож шошилинч тузилгон лашкарга бош бўлуб, ўз фарзанди ила курашгали чиқурлар. Жанг авж палласи эрса тағи бир неча амирлар мудофаани ташлашуб рақиб томонга қочиб ўтурлар. Қачонки ночор вазият юз беруб, ағёр фарзанд шиддати ошгач, Улуғбек Мирзо шаҳар қалъасига чекинмакни амр этурлар. Бу ёнда эрса тагин хиёнат юз берур: шаҳар кутволи Мироншоҳ қавчин ўз валинеъматига кириш дарвозасин очтурмас...

КИТОБДОР (куюниб). Вах, кўрнамак муртад!! Энг ишонгон кимсалари шундоғ қалтис дамда бундаюн йўл тутсалар-а!..

ЧАЛАБИЙ. Хуллас... провардида султон ҳазратлари ортуқча қирғин-талофатга барҳам бермак чун сулҳ мақоми ила фарзанди рақиби ёнига қайтурлар ва онинг аъёну акобирлари ҳузуринда шоҳлик мартабасини ўз бошларидин соқит қилурлар...

Сўнгра, орадин бир ҳафта ўтуб эрса... дўсту шогирдлари ила хайрлашуб, муқаддас ҳаж сафарига отланғон кўйи йўлда қатл этилурлар...

(Жим бўлиб қолади).

КИТОБДОР (тин олиб). Султон ҳазратларининг ҳаёт юлдузлари қандоғ сўндирилгонидин бир қадар воқиф эрдику, аммо ҳеч ким ул фожиалар тафсилотин сиз киби муфассал ва мухтасар баён қилолмас эрди. **(Бош чайқаб.)** Жойлари жаннатда бўлгай...

ЧАЛАБИЙ (сўлғин). Абдулатиф Мирзоға атоси бир замон соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ўлтирғон муаззам Самарқанд тахтини топширғонларида шоирлардин бири муборакбод йўсинида ашъор битуб, онинг ҳукмдорликда кимлардин ўрнак олмагига бундоқ ишора қилгон эркон.

Бобонг зулмни замон юзидин ювиб ўтди,
Одил отанг адолат отин қувиб ўтди,
Муборак эгинггаким салтанат тўни битди —
Ҳарна қодирсен, кўрсат, ки навбат сенга етди.

Во дариғким, ул бадбахт... даврон навб ти келгода энг аввал ўз атоси ва инисин тиғдин ўтказуб, сўнг буткул салтанатни таназзулға юз туттирмуш...

Бир харидор келиб суҳбат бўлинади. У саломлашгач, китобдордан аввал тайинланган китобни олади, пулини тўлаб, кетади. Китобдор яна жойига ўтираётиб, ўзлари томон келаётган кишига кўзи тушади ва Чалабийга уни кўрсатиб дейди:

— О, ана, кеча мен сизга таъриф этгон англиз келмақда. Кўп бамаъни одам.

ЧАЛАБИЙ (ишонқирамай). Шул кас бизнинг тилни билурму?

КИТОБДОР (боши билан тасдиқлаб). Наинки билмоқ, бинойидек ўқий ҳам олур ва бир олим янглиг зижлар маъносинда онглай олур — ҳозир келса ўзингиз гувоҳи бўлурсиз.

(Келгувчига пешвоз юриб.)

О, ассаломуалайкум, жаноб меҳмон мистир, хуш келибдилар, қани, марҳамат қилсунлар!

ГРИВС (кираркан, мамнун). Китобдор жаноблари, камина наздинда бутун Истанбулда сизнинг дўконингиздин кўра дилтортар гўша йўқдур!

(Чалабийга юзланиб).

Маъзур тутқайлар, тақсир, биз суҳбатингизга гап қўшдик.

ЧАЛАБИЙ (сиполик билан). Ҳечқиси йўқдур, меҳмон жаноблари аслида китобдор дўстимизнинг суҳбатлари барчага баробардур.

КИТОБДОР (ўтиришгач, Чалабийни таништириб). Мана бул зот, жаноб мистир, алдома Маҳмуд Чалабий бўлурлар — ўзлари мадрасаи олияда мударрислик ила машғуллар.

(Гривс бош қимирлатиб "дуруст, дуруст" дейди.)

Йўқ мистир жаноб, сиз эътибор қилмадингиз — бул зот буюк аллома Алоиддин Муҳаммад Али Қушчи авлодларидандур. Ул зоти шариф султон Улуғбекнинг шогирдлари бўлгонлар — сиз олгон зижий мунажжимлик китобларни айни ўшал фидойи илм келтирғонлар!

ГРИВС (Чалабийга синчков тикилиб). А?! Наҳотки шул айтилгонлар рост зрур?..

Давоми бор.



Шошманг, ўзим айтаман.

Ҳ. СОЛИҲОВ сурат-лавҳаси.

Наботот олами

УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ГИЁҲ

1957 йилнинг баҳори эди. Устозимиз — академик Қодир Зокиров билан ўсимликлар дунёсини ўрганиш мақсадида Ургут тоғи этакларига бордик. Ҳар куни эрталаб қўлимизда гербарий папкаси, теша олиб дала кезамиз. Гуллаётган ўсимликлардан намуна олиб, баъзан илдизи билан ковлаб папкага жойлаймиз.

Бир куни, қуёш энди заррин нурларини сочаётган пайтда, Тўпхона қишлоғи яқинида домламиз бир гиёҳга маҳлиё бўлиб, тикилиб турганига кўзим тушди. Устоз ўзида йўқ шод эди. У қуёш нуридан ял-ял товланаётган гиёҳга тикилиб, теварак-атрофга кўз ташлади. Бош кийимини қўлига олиб, пешона терини артди.

— Домла, тинчликми? — сўрадим ёнларига бориб.

— Тинчлик, тинчлик. Бу гиёҳга қара, — дедилар бир хум тилло топгандек қувониб, гиёҳни кўрсатар экан.

Биз у пайтлар талабамиз. Ўсимликларни бир-биридан яхши ажрата олмаймиз. Лекин бу гиёҳ менинг ҳам диққатимни ўзига тортди. У сарғиш-оқчил гуллаган бўлиб, бўйи 40 сантиметр келадиган сертукли гиёҳ эди. Қуёш нурида кўзга алоҳида ташланиб гўё самодан ерга узилиб тушган юлдузга ўхшаб ярқирарди.

Устоз бир қишлоққа, бир тоққа, бир гиёҳга тикилиб ўйчан қиёфада деди:

— Ҳазрати Улуғбек шу қишлоқ ёнида қатл этилмаганмикан? Бу гиёҳ мунажжим руҳини эслатиб турибди. Билсаларинг, болалар, у Ўзбекистонда илк бор топилган, ҳали ўсимликлар систематикасида учрамайдиган гиёҳ.

У шундай деди-да, гиёҳ барглари, гулини силади ва нималардир деб пичирлади. Кейин бизга қараб: "Ўзбекистон флораси янги бир ўсимлик тури билан бойиди. Уни улуғ мунажжим Улуғбек номи билан атаймиз", — деди. Биз беҳад севиндик. Гиёҳдан намуна олдик. Расмга туширдик.

Домла бу гиёҳ ўзига хос хусусиятга эга эканлигини, унда ҳазрат Мирзо Улуғбек руҳи балқиб турганини дили сезганини яширмай айтди. Унинг биологиясини ўрганиш жуда зарур, деб такрорлади. Бу гиёҳ бошқа жойда учрамаслигини, уни муҳофаза қилиш кераклигини айтиб, бундай воқеа қамдан-кам учрашини ҳикоя қилиб берди.

Бу ноёб гиёҳнинг биологияси ҳақида маълумот жуда кам. У тўнғизтароқдошлар оиласига кирувчи, бўйи 25-40 сантиметр келадиган, кўп йиллик ўсимлик. Илдизи йўғон, ёғоччил, кўпбошчали. Пояси 2-5 га, кам баргли, юқори қисми шохлаган, калта. Лекин қалин тукчалар билан қопланган. Поясининг пастки қисмида, хусусан, бўғимларида оқчил қаттиқ, жуда қалин тукчалари бор. Май-июнь ойларида гуллайди. Гули сарғиш-оқчил рангда. Меваси июнь-июль ойларида пишади, шарсимон, 1-1,5 сантиметр катталикда.

Биз ўша куни ўзимизда йўқ севинч билан шаҳарга қайтдик. Кейинчалик бу нодир, ноёб гиёҳ ҳақида устоз орзу қилганидай, Ўзбекистон "Қизил китоб"ига (36-бет) 29-1 рақами билан "Улуғбек скабиозаси, К. Зокиров аниқлаган", деб ёзиб қўйилди.

Қудратилла ҲАЙДАРОВ,
профессор.

Одобнома

Ғуломиддин АКБАРЗОДА

ТАЪЛИМИ СОНИЙ

Боши ўтган сонда

БЕШИНЧИ ТИМСОЛ

ИККИ ХЎРОЗ

Бир кун икки хўроз бир-бири ила урушти. Бирининг кучи етмай қочти. Бориб бир пана жойга бекинди. Ул қочиргани хурсанд бўлуб бир баланд доволга чиқиб қанотларини бир-бирига уруб, парвозлар қилиб, бошини баланд қилиб, бир тарафларга қараб қичқириб туруб эди. Бир қарчиғай келиб човурт чангалига олиб кетти.

Маъноси: ҳеч ким ўз кучига, давлатига фахр қилиб ўзидан кам куч, камдавлатларга ҳақорат кўзи ила қарамасун.

Байт:
Таманно қилма жоним давлатингга, бебақо давлат,
Ҳақорат кўзи бирла боқмагилким, бебақо давлат.
Бўлуб мағрур кўзинг йумма, бу давлат бебақо давлат,
Ҳайотинг вақтин ўткарма бу дунйо бебақо давлат.
Асир-и қувватинг бўлма, бу қувват бебақо давлат,
Кетир қўлдан куни келса, бу қувват бебақо давлат.
Тараддуд бирла илм ўрган жаҳолат бебақо давлат,
Асир-и илм бўл, нодонлигингдир бебақо давлат.

ОЛТИНЧИ ТИМСОЛ

ОЧКЎЗЛИК

Бир бола кўчада йиғлаб ўтуруб эди. Йўловчилардан бири: "Эй, ўғлум! Нимага йиғларсан", деди. Бола: "Бир тийин ақчам бор эди, йўқотиб қўйдим, шунинг учун йиғларман", деди. Ул киши ул болага раҳми келиб, кармонидан икки тийин ақча олиб берди. Ул бола икки тийин ақчани олиб аввалгидан кўпроқ йиғламакка бошлади. Ул киши: "Эй, ўғлум! Эмди нимага йиғларсан", деди. Ул бола: "Эй, отажон, агар ўз ақчам йўқолмаган бўлса эди, ҳозир ақчам уч тийин бўлур эди", деб жавоб берди.

Маъноси: ҳар киши ҳар на қўлига келганига қаноат қилиб очкўз бўлмасун.

Байт:
Кўзинг оч бўлмасун ўғлум, кўзинг оч,
Қанотсиз кишидан қуш бўлиб қоч.
Қаноат конига ташлаб ўзингни,
Қаноат заридан бошингга кўб соч.

ЕТТИНЧИ ТИМСОЛ

ТИКОНЛИГ ДАРАХТ ИЛА БОҒБОН

Бир тиконлиг акас деган дарахт бир боғбонга: "Агар мени биров боғнинг ўртасига ўтказуб яхши тарбиялар қилса, менинг гул меваларим подшоҳларга манзур бўлўр эди", деди. Ул боғбон ишониб, ул акасни кўчуруб, боғнинг ўртасига ўткузди. Ҳар кун неча мартаба суғориб яхши тарбиялар қилди. Ул акас бир оз вақ,да ўсуб, катта дарахт бўлуб, шохлари ҳар тарафга чўзўлиб, ҳар бир шохида неча минг найзадек тиконлар чиқиб олдига ҳеч ким боролмади. Боғбон боғига яхши гуллар, йахши мевалар эккан эди, уларни ҳам ўраб олиб, улардан ҳам ҳеч киши баҳра ололмади.

Маъноси: бир кишига ҳар ким қанча йахшилиг қилса, шунча йомонлиг кўрар.

Байт:
Йомонлиг пеша қилма жоним ўғлон,
Етар заҳмат санга, эй нозанин жон.
Йамон бўлган кишидан барча қочар,
Анинг кирдоридан ҳар ким сўз очар,
Йамонлиг илмсиз одам ишидир,
Йамонлиг илмсизнинг қилмишидир.
Йамонликдан қутулмак истасанглар,
Кириб мактаблара куб илм ўқунглар.

Давоми бор.

Спорт

ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ САРИ

Эпчиллик, довюраклик ва чиниқиш омили бўлган жисмоний тарбия ва спорт ҳаётимиздан тобора кенг ўрин олмоқда.

6 – 7 октябрь кунлари Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий армия спорт клуби ўйингоҳига тўпланган пойтахт мактабларининг минглаб ўқувчилари енгил атлетикачиларнинг қизғин беллашувлари гувоҳи бўлишди.

Стадионга республиканинг 12 вилоят ва Тошкент шаҳри ёш спортчилари вакиллари (Қашқадарё ва Қорақалпоғистон республикасидан ташқари) саф тортиб кириб келишди. Миллий тоифадаги ҳакам Ҳошим Турғунов республика Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари биринчилиги тантанали очилиши учун ҳамма нарса тайёр эканлиги ҳақида штаб бошлиғи, Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари Х. Ф. Маъсудовга рапорт берди.

Вазир ўринбосари ёш спортчиларга қисқача кириш нутқи билан мурожаат қилиб, енгил атлетикачиларга баҳсларда муваффақиятлар тилади.

Таниқли спорт ветерани, бокс бўйича республика чемпиони Обиджон Зокиров ёш спортчиларга Ўзбекистон биринчилиги якуний беллашувларида омад тилади. Шундан сўнг Ўзбекистон Давлат Гимни садолари остида мусобақа байроғи кўтарилди.

Биз республика болалар спорт мактаблари биринчилиги деярли 7 ой давом этганлигидан хабардормиз. Ўтган давр мобайнида ёшлар эркин кураш, юнон-грек кураши, оғир атлетика, миллий кураш (бухороча ва фарғонача усуллари), стол тенниси, бокс, баскетбол, сузиш, гимнастика, қўл тўпи, футбол, шахмат, шашка бўйича кураш олиб боришди. Бу мусобақаларда Самарқанд, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Фарғона, Наманган вилоятлари спортнинг қўшгина турлари бўйича яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари бўлим бошлиғи Ҳуниддин Мирзаев билан ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш ҳақида суҳбатлашдик.

— Жойлардаги жисмоний тарбия жамоаларида, — деб ҳикоя қилади у, — спортни оммалаштириш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда Халқ таълими вазирлиги тасарруфида 339 болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият кўрсатаётир. Шундан 25 таси ихтисослашган мактаблар. Уларда 200 минг ўқувчи ўз спорт маҳоратини ошираётир. Буни қуйидаги рақамларда яққол кўриш мумкин: ўтган йилнинг ўзида болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 1 та халқаро классдаги спорт устаси,18 та Ўзбекистон Республикаси спорт устаси, 1239 та спорт усталигига номзод ва 1 разрядлилар, 46751 та оммавий разрядли спортчилар тайёрланди.

Спорт мактабларида тарбияланаётганлар орасида Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатлари ва хорижий мамлакатларда ўтказилаётган мусобақаларда республикамиз шарафини ҳимоя қилаётганлар бор. Айниқса, шу кунларда республика ўсмирлар спорт маҳорати олий мактабидан 8 киши ва "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамиятидан 10 киши Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилаётган XII Осиё ўйинлари мусобақаларида иштирок этаётганлигидан фахрлансак арзийди.

Енгил атлетика бўйича Тошкент шаҳрининг бир қатор спорт базаларида ўтказилган мусобақалар ёш спортчилар маҳорати ошиб бораётганлигини кўрсатди. Биз икки кун мобайнида енгил атлетиканинг турли масофаларга югуриш, баландликка, узунликка сакраш, тўсиқлараро ва турли масофаларга югуриш эстафетаси, найза улоқтириш, тош итқитиш ва бошқа соҳаларда ҳамда команда биринчиликлари қизғин курашлар остида ўтганлигининг гувоҳи бўлдик.

Қизлар ва ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақалар чаққонлик ва ирода синовига айланди. 3 минг метр масофага югуришда Альбина Хабибутдинова (Тошкент вилояти), 800 метрга югуришда Наргиза Янгибоева (Самарқанд), найза улоқтиришда Майя Михалкина (Тошкент вилояти) ғолиб чиқди.

Ўсмирлар ўртасида 200 метрга югуришда тошкентлик Руслан Загратдинов, 5 минг метрга югуришда андижонлик Ҳасанбой Раҳимов, диск улоқтиришда самарқандлик Александр Куликов, уч курашда ҳам самарқандлик Евгений Плотнер ҳурмат шоҳсупасидан ўрин олди.

Баландликка сакраш, болға улоқтириш, тўсиқлар орқали турли масофаларга югуриш бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ихтисослашган болалар ва ўсмирлар олимпия резерви мактаблари ўртасида команда биринчилигида 15147 очко жамғарган Тошкент вилояти ихтисослашган олимпия резерви мактаби (директори А. А. Чупринин) биринчи ўринни қўлга киритди. Самарқанд ва Андижон олимпия резерви мактаблари 2-3-ўринларни эгаллашди.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўртасида команда биринчилигида пойтахтимизнинг Юнусобод туманига қарашли 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (директори Т. С. Ибрагимов) 12823 очко билан ғолибликни қўлга киритди. Фарғона вилоятининг Данғара туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаби ва Сирдарё вилояти командалари 2-3-ўринларни олишди.

Команда ва шахсий биринчилик ғолиблари дипломлар ҳамда қимматли совринлар билан тақдирланишди.

Ғ. МАННОПОВ.

Обуна—95

«МУЛОҚОТ» МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикасининг миллий, ижтимоий-сиёсий ва бадиий журнали "Мулоқот" ўзбек халқининг севимли ойномаларидан бирига айланиб қолди. Унда кенг халқ оммасига мўлжалланган, эл-юрт тақдири, халқимиз ўтмиши, бугуни ва келажаги, бой тарихи ва маданий мероси, ислом дини ва унинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни, инсон қадр-қиммати, имон-эътиқод, маданият ва умуминсоний қадриятлар ҳақидаги ўқишли ва қизиқарли мақолалар берилмоқда.

Келгуси йилда ҳам журнал мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий ва сиёсий жараёнларни таҳлил қилувчи суҳбат ва мақолаларни бериб боради. Чунки Президентимиз Ислом Каримов башорат қилганларидек, келажаги буюк давлатимизни иқтисодиётсиз ва унга муштарак сиёсатсиз тасаввур этиш қийин. Мустақил республикамизнинг барқарор истиқболи ҳозирда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятига боғлиқ.

Биз ўқувчиларимизнинг санъат ва бадииятга, гўзаллик ва табиатга ошуфталигини ҳам елдан чиқарганимиз йўқ. Журналимиз саҳифаларида жонажон Ватанимизнинг истиқлолини, порлоқ ва нурафшон келажагини акс эттирувчи хилма-хил сурат-лавҳалар, мўйқалам усталарининг ўлмас асарларидан намуналар бериб боришни мўлжаллаганмиз.

Журналимизнинг "Туркистоннинг буюк мутасаввуфлари" рукни остида ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний), Хожа Аҳрори Вали, Маҳдуми Аъзам, Сўфи Оллоёр, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Имоми Аъзам, Абу Ҳанифа, Хожа Аллоуддин Аттор синғари мусулмон Шарқининг буюк мутасаввуф донишмандлари ҳаёти ва фаолиятига оид мақолалар эълон қилинди. Маълумки, Шарқда бундай улуғ ва табаррук инсонлар жуда кўп бўлган. Келгуси йилда биз улар билан сизларни доимий равишда таништириб борамиз.

Миллий истиқлол мафкураси қандай бўлиши керак? "Мулоқот" журнали бу масалага Ўзбекистон ҳали мустақиллик остонасида турган пайтдаёқ кенг ўрин берган эди. Муҳарририят бир қатор фан, маданият, сиёсат ва жамоат арбобларига мурожаат этиб, миллий истиқлол мафқурасини яратиш ва шакллантириш масаласи хусусида фикрлашди. Шундан сўнг миллий мафқура, унинг асослари ва истиқболи хусусидаги ўнлаб мақолалар журнал саҳифаларида ёритилди. Келгуси йилда ҳам айнан ушбу мавзуга бағишланган турқум мақолалар мунтазам равишда журнал саҳифаларидан ўрин олади.

Азиз муштарий! Ошкора, самимий мулоқотга иштиёқингиз бўлса, ўзингизга ҳамдард, кўнглингизга яқин дўст топмоқчи бўлсангиз, "Мулоқот" журналига ёзилинг.

Индексимиз 75401. Бир йиллик обуна баҳоси 36 сўм.

Абдураззоқ КАРИМ,
"Мулоқот" журналининг масъул котиби.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти раҳбарияти ва жамоаси халқ қўшиқчилиги кафедрасининг мудири, доцент Мамиров Қўлдош Мамировичга рафиқаси

Зухра МАМИРОВА

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси Ўзбекистон халқлари тарихи кафедраси жамоаси шу кафедра доценти С. Ўлмасовга отаси ва кафедра профессори А. Охуновга акаси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси

Ўлмас ОХУНОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд вилояти Ғўзалкент туманидаги Ҳамза номли 14-ўрта мактаб жамоаси ўқитувчи Гулсора Нурумовага ўғли

МУРОДЖОНнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабгача тарбия бошқармасининг бош мутахассиси Мовлуда Рустамовага отаси

Эркин ҒУЛОМОВ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.
Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Умида Абдуазимова, Шарофат Норқулова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—1199. 47894 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6